

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

Қўлёзма ҳукукида УДК:
ББК:

РАИМДЖАНОВА ИРОДА ИСКАНДАРОВА

**“АБДУЛХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙНИНГ ДИНИЙ ВА
ИРФОНИЙ ҚАРАШЛАРИ ”**

5A220313 – Замонавий Шарқ фалсафаси ва тарихи

**Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

Илмий раҳбар: доц. М. Қодиров

Аннотация

Мазкур магистрлик диссертациясида Хўжа Абдухолиқ Ғиждувоний таълимотининг ахлоқий қадриятлари тадқиқ этилиб, ҳозиргача илмий муомалага киритилмаган асарларини таржима ва таҳлил қилиш асосида унинг тасаввуфий-ирфоний таълимотининг моҳияти очиқ берилган.

Тошкент – 2010

МУНДАРИЖА:

Кириш.....	3-10
I боб. Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг ҳаёти ва тасаввуфий	
Мероси.....	11-30
I.1. XII-XIII асрларда Бухородаги ижтимоий – сиёсий вазият ва маънавий ҳаёт.....	11-14
I.2. Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг ҳаёти ва ижоди.....	15-19
I.3. Хожагон тариқати ҳақидаги фикрлар.....	20-30
II боб. Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг ирфоний ва фалсафий дунёқараши.....	
II.1. Инсон ва инсонпарварлик ғоялари.....	31-43
II.2. Илм ва иймон тушунчаси.....	44-52
II.3. Маънавий-ахлоқий поклик ва комил инсон ғояси.....	53-63
ХУЛОСА.....	64-65
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	66-68

Диссертация мавзусининг долзарблиги. Истиқлол олган эришган Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиётида, халқимизнинг ҳаётида, давлатимизнинг сиёсий ҳаётида туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Халқимиз ўзининг буюк келажагини яратмоқда. Уни яратишда улуғ аجدодларимиз буюк файласуфлар, дин арбоблари, буюк мутасаввиф донишмандлар, улуғ алломалар таълимотини ўрганиш имкониятига эга бўлдик. Асрлар мобайнида халқимиз сақлаб келаётган умуминсоний, миллий ва маънавий кадриятларни илмий тадқиқ қилиб, ривожлантиришга янги имкониятлар яратилди.

Маънавий кадриятлар ривожига катта эътибор берилганлигининг сабаби президент И.А.Каримов томонидан қуйидагича изоҳланиши диққатга сазовордир: "Биз мусулмон дини ҳақида гапирганда аввало Аллоҳ ва унинг расулини, ўзимизга руҳан яқин бўлган улуғ алломаларимиз, улуғ имомларимизни тасаввур қиламиз. Мана шу қутлуғ заминимизда туғилиб, вояга етган, муבורак номларини бугун ислом дунёси чексиз ҳурмат билан тилга оладиган Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Абдуҳолик Ғиждувоний, Замахшарий каби пиру комилларимизни назарда тутамиз. Маънавий ҳаётимизни мана шу улуғ номлар билан боғлаймиз.

Нега биз мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб шу улуғ аجدодларимизнинг табаррук номларини тиклашга киришдик?

Чунки бу буюк инсонларнинг азиз номлари, ўлмас мероси муқаддас динимиз билан чамбарчас боғланиб кетган. Уларни бири-биридан ажратиб бўлмайди... Биз бу мутафаккирларимизнинг қутлуғ меросидан бугун халқимиз, жумладан ёшларимизнинг ҳам баҳраманд бўлишига, уларнинг мана шундай маънавий муҳитда камол топишига, ислом динининг инсонпарварлик фалсафаси, буюк

ғоялари ёш авлод юрагидан ҳам жой олишига шароит яратмоқдамиз"¹.

Ҳозирги пайтда ёшларни миллий руҳда юксак ахлоқий фазилат соҳиблари қилиб тарбиялаш масаласига эътибор кўчайди, чунки маънавий камол топган инсонларгина демократик жамият ва фуқаровий давлатни қуришлари мумкин.

Президентимиз И. А. Каримов томонидан чиқарилган фармонларда, маънавий, маърифий ислохотлар давлат сиёсатининг асоси эканлиги, бу устувор йўналиш эканлиги таъкидланмоқда. Миллий кадриятларни, урф-одатларни тарихий маданий-маърифий меросни тиклаш, улуғ мутафаккирларимизнинг таълимотларини ўрганиш, илмий назарий жиҳатдан таҳлил қилиш шу асосда туғилган фикр ва мулоҳазаларни ёшлар онгига сингдириш, Ўзбекистонда тарбия ишларини тўғри йўлга қўйиш учун дунёвий таълим ютуқларини жорий этиш билан бирга, маънавият оламининг муқаддас китоби ва рисолалари, тасаввуф илмининг намояндалари асарларидан илмий равишда кенг фойдаланиш лозим. Шу мақсадда тасаввуфий ирфоний таълимотнинг буюк асосчиларидан бири сифатида Хўжаи Жаҳон Абдуҳолиқ Ғиждувоний таълимотини ўрганиш жуда муҳим аҳамият касб этади.

Жуда улкан тарбиявий-маърифий, инсонпарварлик моҳиятига эга бўлган улуғ кишилар таълимотини ўрганиш, ўз миллий маънавиятини тиклаётган мустақил Ўзбекистонимиз халқи олдида турган муҳим вазифалардан ҳисобланади.

¹ Ислоҳ Каримов. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. Президент И. Каримовнинг “Туркнстон пресс” ахборот агентлиги муҳбирининг саволларига жавоблари // Халқ сўзи, 1999 й. 16 март

Маданий меросимизни, ўтмиш қадриятларимизни кенг ва ҳар томонлама ўрганиш ҳозирги миллий маънавиятимизнинг чуқур тарихий илдизларининг шаклланиш босқичлари ва хусусиятларини очиб бериш учун зарурдир. Миллий маданиятимизни мустаҳкамлаб, унга ҳар томонлама узликсиз ривож бериш, келгуси маънавий келажагимизни таъминлаш учун тарихий илдизларимизни яхши ўрганиш ва бу орқали унинг ўзига хос хусусиятларни йўқотмаган ҳолда жаҳон маданияти ютуқларини ўзлаштириш каби масалалар борган сари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Инсоннинг инсонлиги, биринчи навбатда, унинг маънавий - ахлоқий жиҳатдан баркамоллиги, поклиги билан белгиланади. Маънавий - ахлоқий баркамол инсон ота-онаси, фарзандлари, қариндошлари, хуллас, бутун оила аъзолари, қўни-қўшнилари, маҳалла- куйи, умуман, халқ, фаровонлиги ҳақида қайғуради, ўз одоб-ахлоқи, феъл-атворини ёқимли қилишни инсоний бурч деб ҳисоблайди, халқ маъқуллаган ва қабул қилган Конституцияни ҳурмат қилади ва унга садоқат намуналарини амалда кўрсатади.

Мусулмон диний-фалсафий таълимоти тарихида алоҳида ўрин тутган, тасаввуфнинг "хўжагон" (яъни хўжалар) тариқатига асос солган, Хўжаи Жаҳон деган унвонга сазовор бўлган, Шарқ оламининг ифтихори, буюк бобокалонимиз Хўжа Абдухолиқ Ғиждувоний ана шундай инсонийликни мужассам этган улуғ ориф, мутасаввифдир. Хўжагон-нақшбандия таълимотининг ҳақиқий асосчиси Хўжа Абдухолиқ Ғиждувоний таълимоти бўлажак авлодни ҳар томонлама етук, комил инсон қилиб тарбиялашда бебаҳо хазинадир. Биз истиқлол туфайли барча фанлар бўйича бобокалонларимиз яратган меросни ўзлаштириш, тадқиқ, тарғиб қилиш, ўз севган соҳасида илмий фаолият билан шуғулланиш имкониятига эга бўлган эканмиз, Хўжаи

Жаҳондек улуг пир таълимотини ўрганиш бугунги маънавият соҳасида олиб борилаётган ишларнинг таянчларидан бири бўлмоғи даркор.

Муаммонинг тадқиқ этилганлик даражаси: Ёғдудувоний хўжагон тариқатининг иждокоридир. У ўзига хос маънавий, ахлоқий қадриятларга, хусусан, инсонпарварлик, меҳр-шавқат, адолат ғояларига алоҳида эътибор қаратган мутафаккир ҳисобланади. Шўролар даврида авлиёлар, орифлар таълимоти эътибордан четда қолганлиги туфайли, Ёғдудувоний ҳаёти ва таълимоти ҳозирги давргача махсус, етарли даражада теран ва ҳар томонлама тадқиқ этилмаган. Энди тасаввуфга қизиқувчи халқимизнинг дунёқарашини шакллантиришда Хўжаи Жаҳоннинг ижтимоий, фалсафий, ахлоқий қарашлари беқиёс аҳамият касб этади. Ул мўътабар зотнинг диний-тасаввуфий мавзуларга тегишли рисолаларида инсоннинг маънавий, ахлоқий такомиллашишига қаратилган фикр, тавсия, панд-насихатлар мавжуд. Булар катта назарий, амалий, тарбиявий аҳамиятга эга эканлигини бу сиймонинг қаламига мансуб асарлар тасдиқламоқда².

Ёғдудувоний таълимотини ўрганиш бўйича кейинги йилларда анча ишлар амалга оширилди, Хўжагон тариқатининг мазмун-моҳиятини унинг ўзига хос хусусиятларини XIV-XVII асрларда қатор мутафаккирлар тадқиқ этганлар.

Истиқлолдан кейин маънавиятга берилган катта эътибор туфайли тасаввуф ва унинг тариқатлари, Хўжагон тариқатининг моҳиятига оид кўп манбалар таржима қилинди. Абдуҳолиқ Ёғдудувонийнинг тасаввуфий, ирфоний, ахлоқий таълимотини

² Абдуҳолиқ Ёғдудувоний. Васиятнома / РКП ИВ. УЧ ССР, ИНВ № 3В44.-Б. 166-199; Абдуҳолиқ Ёғдудувоний, Мақсад ас-солиқин // ФАШИ, Бухоро, Инв, № 2010;

ёритишда хорижий шарқшуносларнинг ҳиссаси жуда ҳам сезиларлидир. Масалан, Германиянинг шарқшунос олимаси Аннемари Шиммель ўзининг "Ислом оламининг тасаввуфий таълимоти" асарида ёзадики, Хамадонийнинг энг истеъдодли халифи - издоши Абдул Абд ал-Холиқ Ғиждувоний эдики, ўз муршидининг таълимотини тарғиб этиш, тарқатиш билан бирга, ўзи тасаввуфнинг хўжагон тариқатига янгиликлар киритиб, кейинчалик, Нақшбандия тариқати амалиётининг асосига айланган саккиз қондани ишлаб чиққан. Баҳовуддин Нақшбанд расмий жиҳатдан Хўжагон тариқатининг иноят этувчиси бўлса-да, унинг тариқатининг асл моҳиятини ишлаб чиққан ориф Ғиждувоний ҳисобланади"³.

Англиялик шарқшунос олим Тримингэм Ж.С. ўзининг "Исломда сўфийлик мазҳаблари" номли асарида ёзадики, Нақшбандия анъанаси Баҳовуддинни унинг номи билан юритиладиган тариқатнинг асосчиси ҳисобламайди ва ҳудди шунинг учун ундан (яъни Баҳовуддиндан) муридларининг йўналиши силсиласи ва тарбия вужудга келмаган. Тариқат тарихига тааллуқли асарнинг муаллифи Фахриддин бинни Хусайннинг "Рашоҳат айн ал-Ҳайат" номли асарида ёзишича: "Мазкур тариқатнинг бошловчиси Абу Якуб Юсуф ал-Ҳамадоний ҳисобланиб, бироқ, унинг халифи руҳий устози - асосчиси шу тариқатнинг яъни, унинг амалиётига хос бўлган таълимотнинг яратувчиси Абдухолиқ Ғиждувонийдир.

Россиялик шарқшунос Алексей Хисматулин "Сўфийлар ҳикмати" номли асарининг Шаҳобиддин, Муҳаммад Порсо, Маҳдуми Аъзамлар рисолаларининг сўзбошисида Абдухолиқ Ғиждувоний ҳақида қисқача шундай ёзади: "Хожагон Марказий Осиёдаги тасаввуфий

³ Таниш. Абдуллонома,- Т.: 1966, -142 б; Даптсей Али. Суфийлик нима ва суфийлар ким?/ Форсчадан Асом Маҳкам таржимаси. // Саодат -1992. -№10. -Б, 16;

- диний окимнинг номидирки, бу оким турли вақтларда ХП-XV асрнинг охиригача турли даражадаги сўфийлар жамоаси ҳисобланарди. Маънавий мерос сифатида қабул қилиб келинган, унинг асосчиси аслида Абдухолиқ Ғиждувоний ҳисобланади. Ғиждувонийдан Баҳовуддингача мерос сифатида ўтиб келган маънавий силсилани кўриб чиқсак, унда аниқланадики, Нақшбандия номи билан тарқалган хожагоннинг мубошири Абдухолиқ Ғиждувоний ҳисобланади. Баҳовуддин мазҳаби Марказий Осиёда тарқалган кўп сонли хўжагонлар жамоасининг бири ҳисобланади. Тожикистонлик тадқиқотчи А.Муҳаммадхўжаев ўзининг "Нақшбандия мафкуриси" номли китобининг Нақшбандийликнинг ғоявий манбалари" қисмида Ғиждувонийнинг фалсафий-тасаввуфий қарашларини бироз тавсифлаб, инсонпарвар, ахлоқшунос Ғиждувоний Баҳовуддин Нақшбанднинг руҳий-увайсий муршиди ҳисобланишини айтади.

Кўриниб турибдики, юқорида эслатилган тадқиқотчи олимлар Абдухолиқ Ғиждувоний хўжагон тасаввуфий-фалсафий йўналишининг бунёдкори эканлигини таъкидлаб, унинг маънавий ижодидага ахлоқий кадриятларнинг жамият ҳаёти учун муҳимлигини алоҳида қайд этиб, мутафаккир ижтимоий, маданий-маънавий меросини тўла муфассал ўрганиш ва ҳар томонлама тадқиқ этиш долзарб масала эканлигига диққат-эътиборни қаратганлар.

Ғиждувоний тасаввуфий таълимоти ҳақидаги мақола ва рисоалар орасида тўларок, маълумот берувчи асар профессор М.Н.Болтаев ёзган "Хўжа Абдухолиқ Ғиждувоний - инсондўст ҳаким, рифъат шайх" номли рисола ҳисобланади. Ушбу рисолада "хўжагон тасаввуфий-ирфоний тариқатининг устози, муршид, нақшбандия таълимотининг ҳақиқий асосчиси, даҳо, инсонпарвар шахс Ғиждувоний ҳаёти, устози Ҳамадонийнинг фазилатлари, тасаввуфнинг хўжагон тариқати, Хўжаи Жаҳоннинг асарлари, айникса, унинг инсон

ҳақида, унинг маънавий, жисмоний томонлари хусусидаги фикрлари устида чуқур мулоҳаза юритилганлиги диққатга сазовордир.

МДнинг мақсад ва вазифалари. Хўжа Абдуҳолик Ғиждувонийнинг тасаввуфий-ирфоний таълимотининг моҳиятини очиб бериш, ундаги ахлоқий қадриятларни ҳар томонлама тадқиқ, этиш, унинг ҳозиргача илмий муомалага киритилмаган асарларини таржима ва таҳлил қилиш ишнинг мақсадидир.

Диссертациянинг янгиликлари куйидагилардан иборат:

- Ғиждувоний тасаввуфий-ирфоний таълимотидага ахлоқий қадриятлар муфассал тадқиқ этилган.
- Хўжагон таълимотига оид манбалар асосида унинг таълимоти тавсифлаб берилган.
- Хўжагон таълимотининг ҳозирга кундага фалсафий, амалий аҳамияти очиб берилган.

МДнинг илмий-услубий ва назарий асослари. Ўзбекистон Республикасининг миллий давлат мустақиллиги қўлга киритилгандан кейин энг муҳим вазифалардан бири сифатида халқ таълими тизимини тубдан ислоҳ қилиш масаласи кун тартибига қўйилди. Ўзбекистон тарихини ўқитиш ва ўрганишнинг ягона назариясини яратиш эса бу борада марказий ўринлардан бирини эгаллайди. Бугунги кундага асосий вазифа "Ўзбекистон тарихи" фани бўйича давр талаблари асосида ёш авлодни истиқлолнинг ҳақиқий фидоийси, миллий тикланиш жараёнининг фаол иштирокчисини комил инсон қилиб тарбиялашдан иборатдир. Президент И. Каримов "Хотирасиз баркамол киши бўлмаганидек, ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди," деб таъкидлаган эди.

Тадқиқотнинг назарий асосларини Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари ҳақидаги ва уларнинг илмий, маданий, фалсафий меросни ўрганиш, мустақил

давлатни мустаҳкамловчи, билимли, онгли, ижтимоий фаол, маънавий-маърифий, миллий ўзлигини, муқаддас анъаналарини англаш, Ватан тинчлигини химоя қилиш, эркин фикрловчи, дунёқараши кенг бўлган соғлом баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган мулоҳазалари, ижодий салоҳиятдан унумли фойдаланиш, миллий ғоя, миллий мафкуранинг асоси бўлмиш ватан равнақи, халқ фаровонлига, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик, маънавий-тарбиявий йўналишларни ишлаб чиқиш, шу асосда жамиятимизда ижтимоий фаолликни шакллантиришга доир кўрсатмалари ташқил этади.

Диссертациянинг таркиби: диссертация кириш, иккита боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I БОБ. АБДУЛХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ТАСАВВУФИЙ МЕРОСИ

I.1. XII-XIII АСРЛАРДА БУХОРОДАГИ ИЖТИМОИЙ – СИЁСИЙ ВАЗИЯТ ВА МАЪНАВИЙ ҲАЁТ

XII аср охири XIII аср бошларида Бухоронинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий ҳаётида муҳим ўзгаришлар юз берган. Бу даврда феодал муносабатлар мустаҳкамланиб, ривожланиб борди.

1141- йилдан Бухорода садрлар ҳукумронлиги даври бошланган. "Улар Бухоронинг диний жамоасига бошчилик қилиш билан бирга шаҳарнинг раиси ҳам ҳисобланар эдилар. Садрлар династиясининг асосчиси Абдулазизхон ибн ал Маза бўлган. Абдулазизхон Бухорода шаклланган ўзига хос феодал садрлар ҳукмронлигининг асосчиси эди. Садрлар Бухоро диний жамоаларига раҳбарлик қилар эдилар. "Садрлар Бухоро ва унинг вилоятидаги диний ҳокимиятни ҳам, дунёвий ҳокимиятни ҳам, ўз қўлларида тутиб турар эдилар. Улар энг катта ер эгалари, Бухоро теварагидаги энг яхши мулкларнинг хўжайини эдилар, шаҳардаги дўконлар, карвонсаройлар, ҳаммомлар, тегирмон-обжувозлар ва бошқалар ҳам садрларга тегишли эди. Вақф мулкларнинг кўплиги учун Бухоро руҳонийлари вақф ерларни бошқарган эдилар"⁴. Мамлакатлараро карвон савдосида улар фаол иштирок қилиб, салмоқли фойда олар эдилар. Айрим маълумотлар бўйича, уларнинг йиллик даромади юз минг динаорга тенг эди. Дехқончилик ерларидан йиғиб олинадаган солиқ, вақф мулклари, шаҳар хунармандчилиги савдо дўконлари ҳамда тегирмонлардан тўшадиган даромадлар ҳисобига уларнинг қўлида беҳисоб бойликлар тўпланган эди. Садрлар солиқ ва ўлпонларни кўпайтириб, шу ҳисобдан беҳисоб бойлик ортирдилар. Жумладан, Садр Муҳаммад ибн

⁴ Фитрат. Аҳмад Яссавий. //Санъат. - 1991- 8- Б. 21

Абдулазиз 1207 йилда Маккага ҳаж қилганида халифага юз туядан кўпроқ, совға салом олиб борди. Лекин бу мулкларнинг ҳаммаси халқ пешона териси ҳисобига тўпланган эди. Садр Муҳаммад ибн Абдулазиз Бухоро халқи орасида ўзининг нуфузини ошириш мақсадида 600 нафар фикҳ, яъни ҳуқуқшуносларни ўз атрофида сақлаб тўрган. Бироқ халқ ўртасида унинг обрўси, таъсири ҳам кўтарилмади. Балки ҳурмат қилиш ўрнига ҳамма ундан нафратланди ва юз ўгирди. Чунки у меҳнаткаш аҳолига нисбатан ҒОЯТ шавқатсиз эди. Окибатда унинг "Садри жаҳон" унвони халқ ўртасида "Садри жаҳаннам" лакабига айлантирилди. Садрлар халққа ҳаддан ташқари зулм қилдилар. Натижада, Бухоро меҳнаткашларининг ғазаби ҳаддан ошиб, 1206-1207 йилларда қалқонсоз Малик Санжар бошчилигида кўзғалон кўтардилар. Кўзғалончилар бойларнинг уйини талаб, садрни оиласи билан Бухородан ҳайдадилар. Ерларини сувсиз қолдириб, пайҳон қиладилар. Садр ёрдам сўраб ўзининг сиёсий ҳомийси қорахитой гўрхони ҳузурига борди. Бироқ, Бухорони идора қилиш тўғрисида расмий ҳужжат олинади холос. Малик Санжар қаср қурдириб Бухорони идора қила бошлайди. Бухородаги бу сиёсий вазиятдан фойдаланиб, Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилаётган қорахитой гўрхонларига қарши юришга баҳона излаб тўрган хоразмшоҳ Муҳаммад 1207 йилда Бухорога ҳужум қилиб, янги ҳукмдорнинг фаолиятига барҳам беради ва Бухорони Хоразм давлати таркибига қўшиб олади.

Мусулмон Шарқидаги бу улкан давлатнинг пойтахти Урганч шаҳри эди. Мовароуннаҳр аҳолисининг Хоразм тупроғида ягона марказга бирлашиши, шубҳасиз, ижобий тарихий воқеа эди. Аммо бу билан меҳнаткаш аҳолининг аҳволи енгиллашмади. Бошқа ҳудудлардагидек хоразмшоҳларнинг ҳарбий юришлари, талончиликдан иборат солиқ сиёсатидаги бебошлик, амир ва маъмурларнинг жабру

зулми Бухоро фукароларининг ҳам моддий аҳволини ғоят оғирлаштириб, халқ хўжалигини янада заифлаштирди.

XII - XIII асрларда Мовароуннаҳр ва Хуросондага содир бўлаётган мураккаб сиёсий вазиятнинг ривожига ва у билан боғлиқ бўлган ижтимоий иқтисодий ўзгаришлар Бухоро халқининг маданий ҳаётига ҳам кўчли таъсир этди.

Маълумки, Мовароуннаҳр халифаликка бўйсундирилгач, забт этилган бошқа ҳудудлар қаторида Бухорода ҳам фақат исломгина эмас, балки араб тили ва унинг имлоси жорий этилди. Чунки араб тили халифаликнинг давлат мафкураси ислом дини тили эди. Давлат тили эса фан тили ҳам эди. Бухоро шаҳри маданий жиҳатдан юксалди. Турли соҳаларга оид кўлёзма китоблар сақланадиган кутубхоналар кўпайди. Шунингдек, бу ерда мадрасалар ҳам кўп бўлган. Бундай илмгоҳдан етишиб чиқадиган илм аҳлининг кўпчилиги дунёвий илмлар: табобат, ҳандаса, математика, кимё, фалакиёт, фалсафа, мантиқ, тарих ва бошқа соҳалар бўйича пухта билим ортирган олимлар эдилар. Бухоро бозорларида алоҳида китобфурушлик расталари бўлган. XII-XIII асрларда тарих ва географияга қизиқиш кўчайди. Чунки бу даврда маҳаллий аҳолининг маънавий ҳаётида ўз она тили ва унда ёзилган тарихий ва адабий асарларга бўлган эҳтиёж ҳам тобора ортиб бормокда эди. Муҳаммад Наршахийнинг "Тарихи Бухоро" асари форс тожик тилига таржима қилинди. Бу даврда туркий халқларнинг оғзаки адабиёти билан бир қаторда ёзма адабиёти юзага келди. XII асрда туркий тилда ижод этган шоир ва мутафаккирлардан бири Аҳмад Яссавий эди. Унинг «Ҳикмат» асари туркий адабиёт ва адабий тилнинг яратилишида муҳим аҳамият касб этди.

Шу асрларда меъморчилик ва санъат янги тараққиёт босқичига ўтди. Бухорода пишик, ғиштдан ҳашаматли бинолар қуриш кенг тарқалди. Умумий режалаштиришда ҳам, буюмларни безатишда ҳам

бинокорлик санъатининг янги шакллари вужудга келди. Пештоқ қилиш, саргиш қизил пой билан зийнатлаш ишлари, гумбазларнинг устини безатишнинг янги усуллари пайдо бўлди. Бу даврдаги меъморий ёдгорликларга Мағоки Аттор масжиди, Намозгоҳ масжиди, Минораи Калон ва Сайфуддин Боҳарзий мақбаралари киради.

Бу ёдгорликлар орасида қурилганига 800 йилдан ортиқ бўлган Минораи Калонсиз Бухоро меъморчилигини тасаввур қилиш мумкин эмас. Биз шаҳарнинг қайси томонидан қарамасак бу обидани кўрамиз. У 1127 йилда Арслонхон замонида Усто Бакр томонидан тикланган.

ХП-ХШ асрларда меъморчилик билан бирга наққошлик ва уймакорлик, тукувчилик санъатлари ҳам ривож топади. Бу ўз навбатида кулолчилик, мисгарлик, заргарликнинг равнақига ёрдам берди. Бу даврда ҳаттотлик халқ санъатининг муҳим ва кенг тарқалган соҳаларидан бири эди. Ҳали китоб босиш кашф этилмаганлиги, қўлёзма китоблардан нусхалар фақат ҳаттотлар томонидан қўлда кўчирилиши туфайли ҳаттотлик санъати анча ривож топади. Ҳаттотлик намуналари меъморий нақшларда ҳам безак сифатида ишлатилади. Иморатларнинг пештоқи, эшик, деворларнинг айрим қисмлари турли мазмундаги битиклар билан қопланган. Иморатнинг қурилган йили, устанинг исмини ёзиш ҳам одатга айланган.

Бу даврда мусулмон Шарқида кенг таркалиб, жаҳоний динлардан брига айланган ислом дини ва шариат мусулмон дунёсининг мафкурасига айланди. Ислон дини таълимотининг равнақи ва тарғиботининг кенгайишида марказга айланган Бухоро мадрасаларидан жуда кўп илм аҳли етишиб чиққан. Тасаввуф таълимотининг ёйилиши Абу Ҳомид Ғаззолий, Юсуф Ҳамадоний, Абдуҳолик Ғиждувоний ва Аҳмад Яссавий номлари билан боғлиқдир.

1.2. АБДУЛХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ

Хўжагон тасаввуфий тариқатининг устози муршиди, кейинчалик нақшбандия тариқати ва таълимотининг ҳақиқий асосчиси, улуғ инсонпарвар сўфий Абдухолиқ бинни Абдулжамил Ғиждувоний ҳисобланади. Манбаларда кўрсатилишича, Хўжаи Жаҳон XII асрнинг II чораги XIII асрнинг бошларида яшаб, ўз умрларини инсоннинг маънавий муаммоларини тадқиқ қилишга бағишлаган. Туғилган ва вафот этган йиллари турли манбаларда турлича берилади, "Рашахот"да вафот этган йиллари ҳижрий 573 йидда деб кўрсатилган⁵. Муборак қабрлари устидаги тошда туғилган йиллари 1103 ва вафотлари 1179 йил деб ёзилган. Иззат Султон, вафот этган йилини 1171 деган бўлса⁶, профессор Болтаев М.Н. аниқ, далиллар асосида туғилган йили номаълум, вафот этган йили аниқ 1220 сана эканлигини кўрсатадилар⁷. Агар тарихга мурожаат этадиган бўлсак, улуғ мутасаввуф олим, шайх Абдухолиқ Ғиждувоний Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг тўртинчи халфалари (муридлари) бўлиб, 1103 йилда Ғиждувон шаҳрида таваллуд топганлар. Тасаввуф ва суфийлик маданиятига бағишлаб кўплаб асарлар ёзиб қолдирган. Улардан қуйидагилар: «Рисолаи соҳибия», «Мақомати шайхул-шуюх Юсуф Ҳамадоний», «Насиҳатнома», «Васиятнома», «Рубоийёт» ва бошқалар. Илк устози тафсир илмининг султони Имом Садриддин ҳисобланиб, йигирма икки ёшда Юсуф Ҳамадоний билан учрашади ва унинг муридига айланади. Хожа Юсуф Ҳамадоний Абдухолиқ Ғиждувоний қалбида Аллоҳга бўлган чексиз муҳаббат борлигини билгач, суфийлар жамоасига олиб киради. Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний устозининг

⁵ А. Сафий. "Рашахот" - Б, 18-20

⁶ Иззат Султон. Бвхоушпн Накшбанд абадиятн. Т. , "Фан"; 1994 - Б. 34.

⁷ Болтаев М. Н. Хўжа Абдухолиқ Ғиждувоний -инсондўст ҳаким, рифъат шайх Бухоро - Б. 4.

таълимотини ҳар томонлама бойитиб, амалиётга зикри хуфийни олиб киради. Хожагон тариқатининг саккиз рашҳа-қонун-қоидасини шакллантириб берган.

Миллий маданий маънавиятимизнинг тарихини ўрганувчи барча Европа ва собиқ иттифоқ олимлари "Рашахот айн ул ҳаёт" асарига ишончли манба сифатида мурожат этадилар.

Фахруддин Али Сафий ибн Хусайн ал Воиз Кошифийнинг "Рашахот айн ул ҳаёт" асарида Хўжаи Жаҳон Абдухолиқ Ғиждувонийнинг хўжагон нақшбандия таълимотининг асосчиси эканлиги, бу таълимотнинг моҳияти, ўзига хос томонлари, бу таълимотнинг барча табақалар учун маъқул эканлиги ҳақида ёзилган. Бу манба хўжагонлик тариқатининг моҳиятини ўрганишда кенг китобхонлар оммасига ёрдам беради.

XV асрнинг мўътабар адиби ва мутафаккири Абдурахмон Жомий тасаввуфнинг йирик намояндалари ҳақида қомусий маълумотларни қолдирган. Бу улуғ зотнинг ҳозирча - 2 та асарида: "Нафахотул унс" ва "Баҳористон"да Абдухолиқ Ғиждувоний ҳақида ёзиб қолдирган маълумотлар бор. "Нафахотул унс"-(Қувончли тухфалар") Абдурахмон Жомийнинг тасаввуф аҳли таржимаи ҳоли ва ижодини ўз ичига олган тазкираси 1475-1476 йилларда ёзилган. Асарда турли даврларда яшаган тасаввуф тариқатининг 600 дан зиёд вақили ҳақида маълумот берилади. Асарнинг 242-243 бетларида Ҳазрат Хўжа Абдухолиқ Ғиждувонийга оид тавсиф баён этилган. Алишер Навоий бу асарлардан илҳомланиб, "Насойимул муҳаббат" номли асар яратган. Алишер Навоийнинг "Насойимул муҳаббат мин шамойимул футувват" тарихий-фалсафий асарида улуғ зот ҳақида маълумот бериб, Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний ҳақида тавсифлар ифодаланган.

"Абдулланом" тарихий асарининг муаллифи Ҳофиз Таниш Бухорий (XVII аср) "Хожайи Жаҳон Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний"

деб ҳурмат билан ул зотнинг номларини тилга олади. Бундан маълум бўладики, у кишини Хўжаи Жаҳон деганлар, шу манбада туғилган йиллари 1111, вафотлари 1179. Қабрлари ўз она юртлари Ғиждувонда деб кўрсатилган. "Мирзо Улуғбек Абдулҳолик, Ғиждувонийнинг ҳурматлари учун Ғиждувонда мадраса қурдирган. Устозлари тасаввуф ғояларининг асосчиларидан бири Абу Яъқуб Юсуф ал Ҳамадоний. Юсуф Ҳамадонийнинг тўрт улуғ шогирдларидан бири Абдуҳолик Ғиждувонийдир"⁸. Ўрта Осиёда тасаввуф тариқати вақиллари, Шарқ халқлари тафаккури ҳақида инглиз олими Ж. С. Тримингем "Исломда сўфийлик тариқатлари" номли китоб ёзиб, Абдуҳолик Ғиждувоний ҳақида қуйидагиларни баён этади: "Ал-Ғиждувонийдан қуйидаги ворисийлик занжири бошланди: Ориф Ревгарий, (вафоти 1259), Маҳмуд Анжир Фаганавий (вафоти 1245 ёки 1272), Азизон Али ар-Рометоний (вафоти 1306 ёки 1321), Муҳаммад Бобо Самосий (вафоти 1310 ёки 1354), Муҳаммад бин Муҳаммад Баҳоуддин ан-Нақшбанд(1318-1389)". Булар асосан Бухоро атрофидан етишиб чиққан"⁹.

Ҳамадоний ҳақидаги фикр қуйидагича давом эттирилади; - "табиатни севган ҳолда айрим вақтларда қушларга таом берганлар. Дангаса, ишини одамларга буюрадиганларни ёмон кўрганлар. Шогирдларини илм толиби бўлишига чақирганлар. Барча миллат вақилларини ҳурмат қилганларини: турк, араб, тожик, қуллар билан суҳбат қурганлар"¹⁰ деган сўзларда кўрамиз. Уларга ҳаром, ҳалол одобини баён этганлар. Ҳушмуомала бўлганлар. Халқни бешга:

1. Мўминлар - тақводор кишилар.
2. Кофирлар - шариатни инкор этувчилар.
3. Мунофиқлар - сўзида турмайдиган кишилар.
4. Гуноҳкорлар - кичик ва катта гуноҳни содир этган кишилар,

⁸ Ҳофиз Таниш ал Бухорий. Абдулланом, "Шарқ" н. I- китоб Б.409

⁹ Тримингем. Суфийские ордены в исламе. М- , "Наука" 1989 С. 61.

¹⁰ Абдуҳолик Ғиждувоний. Мақсад ас солиқин. Б. 13.

5. Мушриклар - Ҳаққа ширк, яъни шак келтирувчи кишилар, ишонмовчилар.

"Бақара" сурасини, "Оли Имрон" сурасини кўп айтганлар. Тўрт калимаи қудсия, яъни 4 муқаддас калима Хамадоний томонидан айтилган. "Хуш дар ҳам доред" (ҳар бир нафасда хушёр бўлинг"), "сафар дар ватан доред" ("ватан ичра сафар қилинг") "хилват дар анжуман доред" ("анжуманда хилватда бўлинг") дердилар¹¹. Шунингдек, Самарқанддаги, "Ибн Аббос" яъни Шоҳи Зинда мақбарасига зиёратга борганлари, намози витр ва таважжудни бажо қилганлар. Имон ҳақида гапирганлар. Тил ва дил ҳеч қачон худосиз бўлмасин деганлар. Касбни фарз, ақлнинг яхшилиги иймондан, фикрлар дўстдир, сабрли бўлиш керак, азиматда бўлиш, намозни вақтида ўқиш керак деганлар. Тангрига мурожаат қилиб: "Худоё ўзингки ризолигинга муносиб қил ва оқибатини хайрли қил. Мени шундай йўлга бошлаки, сенинг ўзинг рози бўл! деб мурожаат қилганлар. Беморларнинг ҳолидан доимо хабардор бўлганлар, қуришга борганлар. Суҳбатларида бирорта суҳбатдош кўринмай қолса, дарров суриштирганлар. Шунингдек, Хамадонийнинг "улуғ зот соҳиби ботин илмларнинг устози эканликлари", барча ҳалойиқ-"подшодан тортиб уламогача, зоҳидлару обидлар, барча хосу авом устидан Хожайи Бўзурги олами раббоний шайх Абу Юсуф ибн Яъкуб Хамадоний хожадирлар" дейилади. Нажмиддин Абу Хафс Насафий Хамадонийни номи ботин ва хуфияда ҳаммага раҳномалик қилишлари, шариатга ҳеч бир муҳолифлик қилмаганлари, доимо Мустафо алайҳиссаломнинг йўли тўғри йўл дейишлари, "на тақдд ранги, на ширк бўйи ҳидоят нурининг сояси бўла олади" деганлар. Бу манба "Мақсад ас соликин" ва бошқа манбаларда айтилган.

¹¹ "Макрмоти Хожа Юсуф Хамадонийдан Хожеи Жаҳон-Хожа Абдуҳолик Ғиждувоний китобида. М- касаний. Т. > Наврўз. 1994 Б: 20.

Шайх васиятларини бажо келтирдилар, Абдухолик Гиждувоний Хамадоний тўғрисидаги фикрларини давом эттириб куйидагиларни баён этади: "Мактаб очиб, дарс айтардилар. Гиёҳларни азиз тутардилар". Пиру муршидининг ҳақида берилган ушбу маълумотлар орқали у кишига бўлган чексиз ҳурмат, ихлосни билдирган. У кишидаги илмга бўлган муҳаббат, машоихларга бўлган ихлос, диний фарзларни бекаму-кўст бажариш, инсонларни фақат Ҳақ йўлига даъват этишлари, касб ҳунарни эъзозлашлари, ўз меҳнатлари билан кун кўришлари, хайрли, камбағал, бева бечораларга, мусофир, бемор, кўп болали оилаларга кўмаклашишлари, таъмагир бўлмаслиги, хушмуомалаликлари ҳақида фикр билдирадилар. Шунингдек,

- ҳар бир нафасда ҳушёр бўлишни,
- ҳар бир қадамга қараб юришни,
- ватан ичра сафар қилишни,
- анжуманда хилватда бўлишни талаб қилишлари айтилади,

Хулоса қилиб айтганда, ҳеч кишига ҳатто душманингга ҳам ёмонликни раво кўрмасликларини, ёш авлодга таълим беришларини, тоза озодаликга эътибор беришларини, табиатни севишларини, ҳар бир гиёҳни азиз тўтишларини баён қилиб, меҳрибонлик, сахийлик, ватанпарварлик, мардлик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик каби умуминсоний - ахлоқий фазилатларни мадҳ этади.

1.3. ХОЖАГОН ТАРИҚАТИ ҲАҚИДАГИ ФИКРЛАР

Тасаввуф-бу инсоннинг руҳияти ва маънавий оламидаги жараён бўлиб, инсонни руҳий ва ахлоқий камолотга етказувчи бир усулдир. Тасаввуфнинг мавзуси-Ҳаққа етишиш учун нафси тийиб, ахлоқни гўзаллаштириш, ботин ва зоҳирни нурлантириш, сурат ва сийратни поклаштириш бўлиб, унинг мавзусини инсон руҳи, хулқи ва руҳоний тузилиши ташкил қилади.

Яқин ва Ўрта Шарқда IX аср бошларига келиб, тасаввуфнинг назарий ва амалий асослари ишлаб чиқилди. Бу даврда сўфийларнинг амалий-руҳий машқлар орқали ўз-ўзини тарбиялаш ва чиниктириш тадбир усуллари шаклланди. Шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат деган тушунчалар юзага келиб, тасаввуфнинг ушбу тўрт қисмга оид қарашлар мажмуи тузилди. Тасаввуф алоҳида мазҳабий илм ва амал сифатида қарор топди.

"Тариқат" арабча сўз бўлиб, "усул", "йўл", "маслак", "сўфийлик нули" маъноларини англатади.

Шайх Воиз Кошифийнинг "Футуват-номаи султоний" асарида ёзилишича, тариқат маъноси "рост, туғри йўл"дир. Тариқат йўли, яъни сўфийлар эса уч нарсада: ҳам калом, каломда ўзгаларга ибрат бўлишлари лозим. Яъни кераксиз-ўринсиз гаплардан тийилмоқ - ҳам, беҳуда ишларга қадам қўймаслик, зарурий пайтда ёрдам бериш - қарам ҳисобланади.

Тариқатнинг асл моҳияти ибодат ва поклик бўлганлиги учун мазкур мазҳаб дину исломга зид эмас. Тариқат башарий вужуддан қутулиб, руҳий камолотга муяссар бўлиш орзуси, яъни инсонийлик, илоҳийлик ҳақиқатини топишдан иборатдир. Шу маънода, Абдуҳолиқ Ғиждувоний асос солган хўжагон тариқатининг ҳам асосини муқаддас исломий манбалар ташкил этган бўлиб, ўзига хос маънавий-ахлоқий қадриятларга асосланган таълимотдир. Хўжагонлар тариқатига оид

фикрлар Абдухолик Гиждувонийнинг "Васиятнома", "Маслак ал-орифин", "Мақсад ас-соликин", "Одоби тариқат" каби асарларида баён этилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалари хазинасида номаълум муаллиф томонидан ёзилган "Аз гуфтори Хожа Абдухолик Гиждувоний" ("Хожа Абдухолик Гиждувоний ўғитлари") рисоласида ҳам баён этилгандир,

"Маслак ал-орифин" ва "Хожа Абдухолик Гиждувоний ўғитлари" асарларининг ўхшашлик ва фарқли томонлари бор. Ўхшашлик томони шундаки, иккала китоб ҳам тариқат мақсадларини тушунтиришга бағишлангандир. Айрим боблардаги фикрлар бир хил, фарқи шундаки, "Маслак ал орифин" асарида боблар сони 23 тани ташкил қилиб, мақомлар, яъни соликнинг руҳий-маънавий камолот босқичлари кенгроқ берилган, "Хўжа Абдухолик Гиждувоний ўғитлари" китобида эса боблар сони 13 та бўлиб, мақомлар қисқароқ ёритилган.

Бу асарлар Абдухолик Гиждувонийнинг тасаввуф борасидаги фикрларани ўрганишда, Хўжагон-нақшбандия тариқати асосларини тадқиқ қилишда катта аҳамиятга эга.

"Тариқат"нинг маъноси илоҳий маърифатни эгаллашга бел боғлаган кишининг руҳий-ахлоқий камолот йўли экан, уни тасаввуфнинг амалий қисми деб таърифлайдилар. Чунки пир-муриднинг қоидалари, одобига риоя этиш, солик бажариши керак бўлган йўл-йўриқлар ва бошқа усуллар шунинг ичига киради. Тасаввуфда тариқат мақомларини турлича кўрсатадилар. Масалан "Футувватномаи султоний"да мақомотлар тўрт юзу қирқ тўртта дейилади. Аммо унинг жами тўрт мақоми мужассам дейилади. Булар: тавба, хавф, жиҳод, сабр. Абунаср Саррож эса соликнинг руҳий маънавий камолоти босқичларини тўққизта дейди. Булар 1. Тавба. 2. Вараъ, 3. Зухд. 4. Фақр. 5. Сабр, 6. Хавф. 7. Рижо. 8. Таваккул. 9. Ризо.

Атокли шайх Абдуллоҳ Ансорий "Манозил ус-соирин" ("Сайр этувчиларнинг тариқат манзиллари" номли китобида тариқат манзилларини ўнта, дейди: 1. Ибтидо. 2. Боб. 3. Муомала. 4. Ҳамида ахлоқ. 5. Усул. 6. Авдия (Водийлар) 7. Ахвол, 8. Валоят(валилик), 9. Ҳақойик, 10. Интиҳо ёки васл.

Тасаввуф тариқати борасида ҳам Хўжаи Жаҳон Абдулҳолиқ Ғиждувоний ўз мустақил фикру ақидаларига эга эди. Хўжаи Жаҳон солиқнинг руҳий маънавий босқичларини қуйидагилардан иборат қилиб қуйган: 1. Тавба. 2. Иродат. 3. Муриднинг шайхга эҳтиёжи. 4. Зикр. 5. Ҳалоллик. 6. Хаж мартабаси. 7. Дарвешлик одоби. 8. Зухд. 9. Аллоҳни таниш, 10. Нафс сифатлари. 11. Қалбнинг саломатлиги. 12. Сабр ва ризо. 13. Мувоқабат ва мушоҳаба. 14. Муҳаббат ва сидқ. 15. Таслим ва тавфиз. 16. Шукр за таваккул. 17. Аллоҳ Таолонинг маърифати 18. Ихлос ва риё. 19. Илоҳий ахлоқ. 20. Мушоҳада. 21. Ҳирқа маъноси. 22. Кечки ибодат. 23. Йўл масаласи.

Тариқатнинг биринчи мақоми, яъни манзили, "бекати" тавба ҳисобланади. Хўжаи Жаҳон Абдуҳолиқ Ғиждувоний "Тавба ва унинг шартлари баёни хусусида" номли 1-бобда: "Билгилки, йўлнинг ибтидоси (боши) тавбадир. Тавбанинг маъноси-қайтиш, яъни камолотга, ахлоқий сифатларга, Тангрининг ризолигага қарши бўлган барча сўз ва ишлардан қайтишдир", деб таъкидлайди¹².

Ғиждувоний Куръони Каримдаги Тангрининг шундай каломини келтиради: "Эй, инсон, Аллоҳга имон келтирган! Унга томон қайтгин ва насух тавбасига эришгин"¹³. "Пайғамбар айтадиларки: "Ким тавба қилса сидқ ва ихлос билан қилсин. Шунда Аллоҳ унинг гуноҳларини кечиргай. Тангрининг ҳам шундай сўзлари борки: "ким агар тавбани сидқ билан қилса ва солиҳ амаллар бажарса, гуноҳлари мағфират

¹² Абдуҳолиқ Ғиждувоний. Маслак ал орифин. -Б. 125.

¹³ Абдуҳолиқ Ғиждувоний. Маслак ал орифин. -Б.126

бўлгай"¹⁴. Расул яна айтадиларки: Тавба-мўминнинг пўшаймон бўлиши ва у хавфдан вужудга келади"¹⁵. Демак, юқорида айтганимиздек, сидқ - сидқидилдан холисона муҳаббат билан тавба қилишдир. Тавба холисона, сидқ билан қилинса, солиҳ, яъни яхши амаллар қилинса, унинг гуноҳлари мағфират бўлади, яъни кечирилади, дейилади. Мўминнинг дилдан пўшаймон бўлиши бу хавфдан, кўрқувдан вужудга келади. Кўрқув тавбаси, гуноҳга иқрор бўлиш-оддий одамларга хос. "Ҳаёт вақтида Яратгандан кўрқиб яшаган кишида охиратда азоб бўлмайди". Чунки бундай одам доимо андишали бўлади. Ҳамма ишнинг оқибатини ўйлаб, фикр билан қилади. Тавба қилиб, кечирим сураб, ёмон амалларни тарк этади. Демакки, бировларга зарар келтирмайди. Шу ўринда Абулхолиқ Ғиждувонийнинг "Тавбаи насухнинг нечта белгиси бор?" деган саволга берган жавоблари келтирилган. Абдухолиқ Ғиждувоний буюрадиларки, яъни жавоб берадиларки: "Тавбаи насухнинг учта белгиси бор: биринчиси шуки, нимаики Тангрининг ризолигига хилоф бўлса, дархол ундан қайтишдир. Иккинчиси шуки, ғафлат билан, бефармонлик билан ўтган ва беҳуда зое кетган вақтларига доимо пўшаймон бўлишдир. Учинчиси шуки, гуноҳ, қилмасликка азм ва жазм қилишдир. Хўжаи Жаҳон айтадики, "Мўмин банда гуноҳларидан тавба қилганидан кейин, шарт шуки ҳеч қачон ундан шу қилган гуноҳларининг пўшаймонлиги кетмасин, у қайтиб гуноҳ қилмасин"¹⁶.

Демак, гуноҳларини, нотўғри ишларини тушунган киши уни қайтиб қилмаслик аҳдида мустаҳкам туриши, агар ҳаёти давомида такрорласа, бу ҳақиқий тавба бўлмайди, дейилади. Биз кундалик турмушимизда билиб-билмасдан хатоликларга йўл қўямиз. Озгина нотўғри иш

¹⁴ Ўша ерда.

¹⁵ Ўша ерда.

¹⁶ Абдухолиқ Ғиждувоний. Маслак ал орифин. -Б. 135

қилганда, бирор катта гуноҳ қилмаяпмизку, деб ўзимизни тинчитамиз. Мўътабар шайх Хўжаи Жаҳон гуноҳнинг катта кичиги бўлмайди» унинг ҳар қандайи инсонга зарар келтиради, гуноҳни умуман қилмаслик керак. Доимо истиффор айтиш билан (яъни кечирим сўраш билан) ўзни гуноҳнинг ғуборларидан тозалагайсан,¹⁷ деб таъкиддайд.

Хўжаи Жаҳон тавбанинг биринчи ҳақиқати сифатида келтираётган шарт: аввало нотўғри ишлардан пўшаймон бўлиш ва худонинг азимати, қаҳри ва ҳамиятидан, яъни иродасидан кўрқиш бўлишдир, дейди. Тангрининг қаҳридан ҳам қўрқ ҳам раҳматидан умидвор бўл, дейди. Бу борада Ҳазрат Хўжаи Жаҳоннинг қуйидаги рубоийси мавжулдир:

Аз қаҳри Худо ҳароскори пеш ор,

Аз раҳмати у умидвори пеш ор,

Пайваста миёни хавф мебош ва рижо,

Чун ҳар ду тариқаҲақ гўзори пеш ор¹⁸.

Мазмуни:

Доимо Худонинг қаҳридан кўрқ,

Ва унинг раҳматидан умидвор бўл,

Доимо хавф ва рижонинг ўртасида бўлгил,

Шу икки йўл оркали Ҳаққа яқинлашиш имконига эга бўласан. Солик азобдан эмас, балки макрдан, нафс макридан кўрқади. "Рижо" - умидворлик.

Қалбнинг келажакда Ҳақ васлига етишдан умидворлиги, хавфдан қутулиш умиди.

Одам жисм-жасади қандай ўзаро пайванд, яхлит тизим бўлса, коинот ҳам бир-бирига шундай боғлиқ бир тизимдир. Демак, биз ҳам коинот билан боғланганмиз. Биз гуноҳ қилсак, коинотнинг мувозанатини бузамиз. Йиғлаш натижасида одам организмидаги ёмон

¹⁷ Абдухолиқ Ғиждувоний. Маслак ал орифин. -Б. 135

¹⁸ Абдухолиқ Ғиждувоний. Васиятнома. -Б.46

қувватлар чиқариб ташланади. Бу ёмон қувватлар одам танида ортиқча жисм ва руҳ ўртасидаги кураш натижасида вужудга келган бўлади. Бу моддийликка, яъни кўз ёшига айлантирилиб, чиқариб юборилади. "Кўзинг гирён бўлсин" деган иборанинг мазмуни шудир. Чунки Абдухолиқ Ғиждувоний: "Тавба қилувчининг жисми тарсон ва ларзон бўлади, кўзи гирён бўлиб, унинг хилъати (яъни кийими) Раҳмоннинг юзи бўлади"¹⁹, дейди. Солиқ жисмининг доимо қўрқувда бўлиши, зоҳир ботини бир хил бўлиши, яъни тили ва дили, дили ва амаллари бир хил бўлиши, шайтон макридан эҳтиёт бўлишни таъкидлайди.

Демак, кўз йиғлаб, тозаланиб, софланиб унга Худо нур ва қувват беради. Йиғлаш натижасида гуноҳлардан тозаланган кўз ҳамма нарсани кўрадиган бўлади. Тавбаи ҳақиқийнинг иккинчи ҳосиласи-қўрқувда бўлган қалбнинг хилъати бутун олам Худовандига имонда собитлик-мустаҳкамликдир. Яъни Худодан кўрқадиган юракнинг имони мустаҳкам бўлади. Имон-тил ва дилнинг бирлиги, юракда ҳеч қандай қарама-қаршилиқнинг бўлмаслиги, бинобарин юракнинг соғлом бўлишидир. Тавбаи ҳақиқийнинг учинчи ҳақиқати: "Тарсон ва ларзон, яъни титроқда бўлган жисмнинг хилъати - Тангридан раҳмат ва ғуфрондир"-дейилади, яъни бундай жисм раҳмат нурлари орқали тўла покланади. "Бу покланиш жуда юксак ва абадийдир. Чунки бу танада бутун табиат билан уйғунлик бўлади"²⁰. "Демак, шулар амалга ошганда, (кўз, қалб, жисм) покланганда кишининг ишлари яхши, яъни солиҳ бўлади. "Барча ибодатларнинг боши тавбадир. Шундан кейин барча ибодатларнинг сифати амалга ошади ва башорат бўлади"²¹-дейди Хўжа Абдухолиқ Ғиждувоний.

Хўжагон тариқатида йўлнинг асосий мақомларидан кейингиси муриднинг иродаси ва сифатлари хусусида айтилади. Мурид, мурод, яъни

¹⁹ Абдухолиқ Ғиждувоний. Васиятнома. –Б.46

²⁰ Абдухолиқ Ғиждувоний. Маслак ал орифин. -Б. 132

²¹ Ўша ерда.

мақсадга интилувчи одам. Муриднинг иродаси деганда, иродани шайх иродасига мувофиқлаштириш, шайх иродасини ўз иродаси деб билиш. Иккинчи тарафдан, бу муриднинг ирода кўрсатиши, мардлигини ҳам билдиради. Муриднинг асосий хислати ниёзмандлик-яъни талабгор бўлиш, муршиди комил этагини тугиб, унинг айтганларига сўзсиз риоя қилишдир. Пирсиз солиқ манзилга етолмайди. Чунки одам ўз-ўзини назорат қилиши қийин, то раҳнамо йўл кўрсатмаса, мушқули осон бўлмайди. Шунини зътиборга олиб тажрибали пирга қўл бериб, ирода-ихтиёрини унга топширганлар. Бу бобда: "билгинки, иродат бирор кишига нисбатан пайдо бўладиган, кўнгил истагидир. Бу иродат улуғ давлатдир ва барча сифатларнинг калитидир", "Шайхнинг талаби билан машғул бўлиш, бу азизнинг хизматида маҳкам туриш, унинг тасарруфига ўзини таслим қилиш зарур. Ҳар муридким, Шайхнинг назаридан қолса, унинг ишлари шундай бузиладики, бошқа ҳеч қандай шайх унинг ишини созлай олмайди"-деб ёзилган.

Кейинги мақом муриднинг шайхга эҳтиёжи борлиги хусусидадир. Солиқнинг комил, мукаммал шайхга эҳтиёжи кўплиги, бу йўлда манзиллар, шубҳали ишлар, тўсиқлар бисёрлиги шулардан соғ-омон ўтиш учун шайхнинг зарурлиги айтилади.

Тасаввуфдаги муриднинг шайхга эҳтиёжи ҳақидаги масалада Абдуҳолиқ Ғиждувоний муриднинг шайхга муҳтожлиги кўплиги, ҳеч мурид шайхсиз бу йўлдан боролмаслигини айтадилар. Бу ерда Мусо алайҳиссаломнинг камолот даражалари юксақлигига қарамасдан ўн йил давомида Шуъайб алайҳиссаломнинг хизматларини қилганликлари, шундагина Ҳақ билан сўзлашиш шарафига муяссар бўлганликлари ҳақидаги байт келтирилади.

Тасаввуфдаги зикр, унинг одоби тўғрисида Ғиждувоний "Маслак ал орифин" билан бирга "Мақсад ас-соликин", "Одоби тариқат",

“Васиятнома” ва бошқа асарларида ёзган. У киши ҳақида ёзилган китобларда ҳам бу маълумотлар бор. Манбалардан маълумки, Абдухолиқ Ғиждувоний дил зикрида ички, овоз чиқармай қилинадиган зикрда бўлган.

Мўътабар шайх қатор рубоийларида инсон доимо қалбини ғайр яъни ўзгалар меҳридан ПОК тутишни, Аллоҳнинг меҳридан бошқа нарсаларга жой қуймасликни, қалбда Тангри бўлиши керак дейди. Бу билан Ғиждувоний оламнинг аслини қуриш ва бунинг учун эса, Тангри яратган нарсаларга меҳр-муҳаббат билан қарашга даъват этади. Дилнинг доимо зикрда бўлишини, ошиқларнинг бир бутунлигига сабаб, зикрдан эканлигини айтади. Зикр ҳақида фикр юритар экан, ҳамма зикр қилса ҳам лекин ҳар хил тоифадаги кишилар бу зикрни ҳар хил амалга ошириши ҳақида ушбу рубоийни келтиради:

Зикри бе ихлос зикри мунофиқон аст,

Дигар таъзим бояд зикр - зикри мутобеон аст.

Дигар таъзим, ҳурмат боядки, зикр - зикри муридон аст,

Зикри бо ихлос, бо таъзим ва бо ҳурмат, зикри маҳбубон аст²².

Таржимаси :

Ихлоссиз зикр қиладиганлар зикри- мунофиқлар зикридир,

Таъзим билан қилинган зикр - ибодат аҳли зикридир

Таъзим, ҳурмат билан бўлган зикр муридлар зикридир

Ихлос билан, таъзим ва ҳурмат билан бўлган зикр маҳбублар

зикридир,

Бу ўринда Хўжаи Жаҳон ихлоссиз зикр қиладиганларни, мунофиқлар зикри, таъзим билан қилинадиган зикр - ибодат аҳли, ҳам таъзим, ҳам ҳурмат билан бўладиган зикр муридлар зикри эканлигини айтиб, ҳам ихлос, ҳам таъзим ва ҳам ҳурмат билан бўладиган

²² Абдухолиқ Ғиждувоний. Маслак ал орифин. -Б. 37

махбублар зикрига алоҳида аҳамият беради.

Хонақоҳда ўтириш, самоъни тинглашни ҳам устоз Абдухолик Ғиждувоний манъ этади. Самоъ - куй тинглаб, кўшиқ куйлаб Тангрини зикр этиш, шунингдек, завқу шавкка берилиб баланд товуш билан зикр этишдир.

"Маслак ал - орифин" асарининг 6-бобида шайхнинг - йўл кўрсатувчи, у махсус хусусиятларга эга эканлиги ҳақида айтилади; "Шайх ўз муридлари орасида, худди пайғамбар ўз умматлари ўртасида бўлганидек"- деган Муҳаммад пайғамбарнинг сўзларини келтиради. Солик йўл бошида бўлганида юзини Ҳаққа томон каратиши, қадамини шу йўлга қўйиши ва чин садоқат билан ўзини шайхга топшириши керак. Қалб кўзи орқали оламни кўриш шайхнинг сифати эканлигини қуйидаги рубоий орқали ифодалайди:

Эй, дил, ту ба жонаш хон,
 Бе кому забонаш хон,
 Ки он ёр на он ёр аст,
 Ки уро ба забон хонад²³

Таржимаси:

Эй, дил, сен жонинг билан ўқи.
 Тилсиз ўқи.
 Чунки бу ёр шундай ёрдирки,
 Уни тил билан ўқиб бўлмайди.

Демак, бу ерда қалб ҳақида гап кетяпти, демак руҳий қалб билан ўқиш, бу – тилни ишлатмай ўқишдир. Бу билан тасаввуф таълимотида руҳий оламни билишда моддий кўз, моддий тил, ақлнинг ожизлиги кўрсатиляпти.

Кейинги мақом дарвешлик йўлининг одоблари ҳисобланади. Дарвешлик одоби шундаки, солик шайхнинг хизмати учун қаттиқ саъй

²³ Абдухолик Ғиждувоний. Маслак ал орифин. -Б. 476

ҳаракат қилиши, пирнинг кўнглини ранжитмаслиги, шайтон йўлига киришдан ўзини хушёр тутиши лозим. Хўжаи Жаҳон бу борада қуйидагиларни баён этади: "Билгилки, дарвеш одобларидан бири шуки, шайхнинг хизмати учун қаттиқ саъй-ҳаракат қилиши, токи шайх хизматининг ҳуқуқларини бирор дақиқа ҳам зое қилмаслиги керак. Агар у хизматда нуқсонга йўл қуйса, бундан пир кўнглига заррача ғубор кўнса, мурид йўли бутунлай бекилади.

Муҳаббат-тасаввуфнинг асосий рўкнларидан бири. Жуда кўп ирфоний тушунча-истилоҳларнинг шарҳи мудаббатга келиб боғланади. Тасаввуфни илоҳий муҳаббат ҳақидаги илм, дейиш мумкин. Чунки тасаввуф илоҳий маърифатни эгаллаш, Аллоҳнинг сифат ва исмлари орқали унинг зотини билиш ва танишни талаб қилар экан, буни ақл ва назарий-тафаккурий билимлар билан эмас, балки яширин бир ички туйғу, ботиний басират, яъни муҳаббат воситасида амалга ошириш мумкин, деб таълим беради. Бу диний-фалсафий дунёкараш.

Абдуҳолик Ғиждувоний ислом динининг ҳужжати бўлган Қуръони Карим ва Ҳадиси Шарифга асосланган тасаввуф таълимотидаги инсон руҳий камолотининг мақомларини чуқур ўрганган ва шу ҳақида қимматли мерос қолдирган.

Ислом асрлар давомида халқимиз маънавияти, ахлоқий дунёсига кириб кетди ва ҳаётда анъана шаклига айланиб қолди. Ҳозирда исломга эътиқод, диний урф-одатларга риоя этиш яъни эркинлик йўлига кирди. Исломнинг амалий талаблари барча мусулмонларга яхши маълум бўлиб, уларни бажариш кундалик одат, ҳаётий қоида шаклига кириб келгандир.

Ислом ҳозирда фақат узоқ тарихга эга бўлган анъанавий меъросигина эмас, балки шу кўнги маънавиятимиз, анъаналаримизнинг ажралмас қисмидир. Унга тўғри муносабатда бўлиш, мустақил жамиятимиз келажагини яратишда унинг хизмати, ўрнини аниқ тушуниш

лозимдир. Шу жиҳатдан хўжагонлар тариқати таълимоти муҳим аҳамиятга эгадир.

II БОБ. АБДУЛХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙНИНГ ИРФОНИЙ ВА ФАЛСАФИЙ ДУНЁҚАРАШИ

II.1. ИНСОН ВА ИНСОНПАРВАРЛИК ҒОЯЛАРИ

Хўжа Абдухолиқ Ғиждувоний маънавий таълимотида умўминсоний маънавий-ахлоқий кадриятлар ҳақида фикр юритар эканмиз, кадриятлар-фақат ўтмиш даврлар учун муҳим аҳамият касб этиб қолмасдан, ҳозирги кун ва келажакдаги тараққиётга ҳам катта нуфузли ижобий таъсир кўрсатадиган, кишилар онгига сингиб ижтимоий аҳамият касб этадиган маданий, маънавий-ахлоқий, фалсафий ва бошқа бойликлар мажмуи эканлигини тушунамиз. Энг олий кадрият ҳақиқий, аслий одамийлик сифат ва фазилатларига эга бўлган инсондир. Шу билан бирга энг ёмон ва қабих хислатларга эга мавжудот ҳам инсондир.

Барча давлатларда, жамийки ижтимоий тузумларда ўзининг кимлигини туғри англаган, ҳақиқий инсон энг олий кадрият ҳисобланади. Тарих ҳам, тарихий тараққиёт ҳам, инсон фаолиятидан бошқа нарса змас. Моддий, маънавий, ижтимоий-сиёсий, миллий ва умўминсоний кадриятларни дилида жо қилиб олган, табиатни обод, жамиятни гўзал ва фаровон қилиш, тинчлик, ҳақиқий адолатни ҳаёт қоидасига айлантириш, инсонийликка лойиқ ҳаёт учун курашаётган меҳнаткаш инсон энг олий даражадаги кадриятдир.

Инсон кадр-қимматини англаш шахснинг ўз-ўзини назорат қилишга асосланади. Инсон моҳиятини англаш учун унинг бошқа жонзотлардан туб фарқини билиш муҳимдир. Инсонда маънавий-руҳий устунлик мавжуд, унда хотира бор, ўтган кунини эслаб туради. Инсонда фаросат бор, тез ва тўғри фикрлай олади. Ҳаром ва ҳалолнинг фарқи бор олади. Тоза нима ва пок нима англай олиши мумкин. Кўринишидан тоза туюлган нарса пок бўлмаслиги, аслида пок бўлган нарса топ-тоза кўринмаслиги

ҳам мумкин. Буни англай олиш учун инсонда ақл фаросот, мантиқий фикрлаш қобилияти бор, дид билан қийнади, ифбатнинг қадрини билади. Булар ҳақиқий инсонга хос фазилатлар. Асли сифат ва фазилатларга эга бўлган инсоннинг ўзи буюк қадрият эканлигини таърифлаб, унинг заковати ақлий қобилиятига юксак баҳо бериб, тасаввуфнинг буюк шайхларидан Кубровия тариқатининг асосчиси Нажмиддин Кубро шундай дейди: "Валийлик одам боласига азалдан насибадир, чунки одам Парвардигорнинг суйган махлуқи. Яратувчи одамга ақл ато қилган, ботиний нур берган, уни бошқа мавжудотлардан афзал сифатли ва хислатли қилиб яратган"²⁴.

Нажмидин Кубро ҳам Адуҳолик Ғиждувоний таълимотида бўлганидек ориф инсон сифатида кишиларнинг руҳияти, рух хислатларини чуқур ўрганган. Нажмиддин Кубро фикрича инсонда ҳам "олами суғро", ҳам "олами кубро"нинг барча хусусиятлари мужассамдир.

Хўжагон таълимотида, аввало, инсоннинг ўзлигини англаш йўли, ҳақиқий инсон ва Ҳақ яқинлиги, унинг камолоти йўллари, бу йўлда маънавиятнинг ўрни, илмга эга бўлиш, тариқат мақомотларини босиб ўтиш, одамларга нафи тегиши, нафи тегмаса зарар ҳам етказмаслиги, фақат ҳаётда "яхшилик уруғини экиш"га ундаш ва бошқалар ҳақида панду насиҳатлар баён этилган. Худони ва оламни билиш учун эса, биринчи навбатда инсон ўзини билиб олмоғи лозим. Ривоятларга кўра энг қадимги Юнон ҳакимларининг бири Фалесдан унинг шогирди: "дунёда энг мураккаб ва энг мушкул нарса нима?" - деб сўраганида - "энг қийин ва мушкул асрор одамнинг ўзи, унинг ўз ўзини билиб олишидир", деб жавоб берган экан.

Хўжаи Жаҳон ўзидан олдинги барча мутасаввифлар сингари инсон моҳияти ҳақида фикр юргизиб, унинг омукталиги, бир томондан рух, жон, ва иккинчи жиҳатдан жисм, жуссадан таркиб топганлигига шубҳа

қилмас эди. Рух, жон ёки баъзи мугассаввифларнинг каломи билан айтганда, нафс одамнинг аслий, мангу, илоҳий, абадий томони бўлиб, у инсоннинг жисмий томонидан бир қанча белгилари, сифатлари билан фарқ қилади. Инсоннинг руҳи ёки нафси маънавийдир. Мутасаввифлар инсон нафаси, жонини эса руҳий қалб ҳам деб айтадилар. Унинг жон, тана, жуссаддан фарқини кўрсатиш мақсадида бир қанча далиллар топадилар.

Инсонинг руҳи, билимлар, тасаввурларнинг кўпайиши билан зарар топмайди. Ҳаёт тажрибаси ва кузатишлардан маълумки, одам ўз руҳи, нарсалар, ашёларни идрок этади ва ҳиссиётлар, тасаввурлар ва билимларни ҳосил қилиш билан унинг руҳи нуқсонли, камчиликли бўлмайди. Аксинча, ҳиссиётлар, тасаввурларнинг кўпайиши инсон руҳий равонини кўчайтиради. Маълумки, ҳар бир жисмоний моддий нарса ҳоҳ у энг кичик заррача бўлсин, ҳоҳ буюк осмоний жисм бўлсин, муайян шакл ва суратга эгаки, ўша шакли ва суратила ўзга жисмлардан фарқ қилади. Ҳар бир жисм махсус бир шаклга эга бўлиб, айна ҳолда иккинчи шаклни ўзига қабул қила олмайди.

Ақлий тафаккур ва мулоҳаза шуни кўрсатадики, нарсаларни одам бир карра идрок этса, билиб олса, бошқа нарсаларни идрок этиши учун зехн, онгида аввалги тасаввур ва билим шакллари йўқ қилиш лозим эмас, аксинча бу билим, тасаввурлар қанча кўп бўлса, унинг онги зехни кучлироқ бўлади. Бу шуни кўрсатадики, инсон руҳи жисмларга зид бўлиб, унинг жавҳари руҳоний оламдан олинган. Гиждувоний қарашича руҳ, жон, араз вақтинчалик бўлмасдан мустақил вужудликка эга жавҳардир.

Юқоридагилардан аниқданадики одамнинг руҳи, жони, нафси босит, яъни омихта, бирикма эмас, балки басит жавҳар бўлиб, жисмдан фарқ қилади, унга зид ва ўхшашлиги йук. Инсон руҳи, нафси

жисмларни тасаввур эташи билан жисмдай уч ўлчовли бўла олмайди. Яъни, узунлик, кенглик ва чуқурлик пайдо этмайди.

Инсон маънавий, руҳий тараққиёти унинг хотирасига асосланади, яъни унда идрок этилган таассуротларни сақлаб қолиш ва онгда ақлда уларни қайтадан тиклашга асосланади, Бундай ҳолатни мия моддаларини бир неча карра такроран янгиланиши билан мувофиқлаштириш мумкин. Агар мия инсон маънавий, руҳий фаолиятининг асоси бўлса эди, мия моддаларининг янгиланиши хотирадаги илгарилар идрок этилган манавиятни олиб қолар эди. Ҳақиқатда эса бундай ҳолат юзага келмайди. Маълумки, кўпинча болалик чоғида ва ҳатто бир карра қабул этилган таассурот қарилик чоғигача эсда қолади. Мутасаввифлар шу жумладан мўътабар сўфий Хўжаи Жаҳон қарашларича инсон ҳам "кичик олам". Кичик олам сифатида инсон ўзидан пастки барча оламлар: ноорганик олам, ўсимликлар олами, ҳайвонлар оламининг кичик тарздаги мужассамидир, зероки пастги табақа оламларнинг барча жисмий ва маънавий хусусият ва сифатлари инсонда кузатилади. Табиий оламдага барча унсуротлар инсон жисми жасадида мавжуд, тирик ўсимликларга таалукли бўлган барча хусусиятлар ҳам: модда алмашуви, ўсиш, ўзгариш, кўпайиш инсонда мавжуд. Шу жиҳатдан инсон ундан илгариги барча оламлар тараққиёти ривожланишининг якунидир. Бундан ташқари, инсон ақл, заковат, кучли ирода, ҳиссиёт, сезгилар, нутқ соҳиби ҳамдир. Руҳий, маънавий жиҳатдан инсон ниҳоясиз. Унинг руҳий нафси ҳеч бир жиҳатдан чегараланган эмас. Чегарасиз инсон руҳияти моддий оламда кузатиладиган фазо, макон ва вақтга боғлиқ эмас. Инсон жисми жасадидага ҳиссий қувватлар: кўриш, эшитиш, ҳид таъмини ҳис этиш, уни ташқи олам билан боғлаб, жисмий ҳаётининг эҳтиёжларини таъминлашга хизмат этадилар. Ҳиссиёт қувватлари инсоннинг тубан, қуйи томони, моддийлик томони ўсимликлар, ҳайвонлар оламига

тортади, ўша томонга майл туғдиради. Ва лекин унинг руҳияти юқори, юксакликка, саодатли томонга тортади, чорлайди. Жисмий жасадий томони барча моддий жисмий мавжудотлар сингари муваққатли, ўтувчи, бузилиб кетувчи, сўфийлар ибораси билан айтганда, фоний ўзлигини билувчидир-яъни муайян вақтда белгиланиш ҳаёт муҳлати, умрига боғлиқдир. Бундан ташқари инсон жисми ёки танаси бошқа жисмлар сингари муайян ҳажмга эга бўлиб, юқорида айтганимиздек уч ўлчовли, уч томондан ўлчанарлидир. Бироқ унинг руҳи, вақт, фазога боғлиқ эмас. Шу жиҳатдан инсоннинг асли, ҳақиқати бепоён, бениҳоя руҳий оламга таллуқлидир. Мутасаввифлар айтишича руҳий, илоҳий олам маконсиз ва замонсиз, вақтга боғлиқ эмас.

Бугун Шарқ оламида бўлганидек, Хўжаи Жаҳон Абдухолик Гиждувоний таълимотида инсонпарварлик ғоялари муҳим ўрин тутди. "Васиятнома", "Одоби тариқат", "Мақсад ас соликин" ва бошқа рисола, асарларида улуг мутафаккир ориф бу борадаги фикрларини баён этган. Увайсий асроршунос Хўжаи Жаҳон деярли ҳамма рисоаларида барча мусулмонларнинг вазифаси барча инсонларга, айниқса бевабечорага меҳрибонлик қилиш, муҳтожларга ҳар томонлама кўмаклашиш ожизу заифларга шавқатли бўлишга чақирганлар. Гиждувоний фикрича ҳақиқий тақводор пок шахс ўз ҳаётида ақлли бўлишни, яшашида яхшилик қилишни, хайрли аъмолни содир этишни ўз олдига асосий маънавий-ахлоқий мақсад қилиб қўймоғи лозим.

Поклик, тақводорликни тасаввуф аҳли биринчи навбатда маънавий-ахлоқий поклик, ёмон хислат ва сифатлардан қутулиш ва фақат яхши, хайрли сифатларга эга бўлиш, яшашда, ҳаётда, ўзгаларга яхшилик, дўстона муносабатда бўлиш, деб тушунганлар. Агар киши ҳаётда, бошқалар билан муносабатда ноинсоф, жабру-ситамгар, хирси, нафси мансаби учун ҳар қандай ноодилликни, инсофсизликни, жирканч феълу ҳаракатларни

содир этса, шундан кейин ундай одам тоату ибодат билан шуғулланиб, намоз ўқиб, ҳажга бориб ўз гуноҳларини шу йўл билан тузатмоқчи бўлса, покланмоқчи, ювмоқчи бўлса, бундай юзаки, ноҳақиқий ибодатнинг ҳеч қандай фойдаси йўқ.

Хўжаи Жаҳон ўз муриду шогирдларига, ҳамсуҳбатларига доимо хайрли иш, амал қилишни таъкидлаган. Ҳатто ёмонлар сенга нисбатан бирон зарарли амал содир этган бўлса ҳам, унга нисбатан раҳмли бўл, зероки унинг ёмонлиги унинг ўзи учун етарли жазодир. Ёмон қилмиши туфайли уни ўз виждони ботиний жиҳатдан қийналади, бундай вақтда виждон азобидан қутула олмайди деган. Бу борада Хўжаи Жаҳоннинг қуйидаги мисралари диққатга сазавордир:

Гар дар дилат аз касе шикоят бошад,

Дарди дили ту аз у бағоят бошад

Зинҳор ба нишсом машғул машад

Бадро бадий хеш кифоят бошад²⁵.

Таржимаси:

Агар сенинг кўнглинг бирон кишига нисбатан шикоятли бўлса,

Ундан кўнглинг куп оғриган бўлса,

Зинҳор ундан ўч олишни уйлама,

Чунки унга унинг ёмонлигининг ўзи кифоядир.

Абдухолиқ Ғиждувоний таълимотича, бу фоний, ўтар дунёда одамларнинг ҳаётида фаол иштирок этиш, уларни ҳимоя этиш (тоат ибодат билан бирга)-Аллоҳ кўрсатган йўлдан бориш ва унга яқин бўлишнинг асосий йўлларида биридир. Мўътабар инсоншунос Ғиждувоний халқ манфаатлари йўлида хизмат этишга, унинг ҳаётини енгиллаштириш, унга иложи борица ҳар томонлама кўмаклашиш, ёрдамлашишга чақиради. Агар одам бу ишга қодир бўлмаса, ўз юкини халқ, устига ташламай, бирор касбни эгаллаб, ҳалол меҳнат билан

²⁵ М. Н. Болтаев. Хўжа Абдухолиқ Ғиждувовий - инсондўст ҳаким, рифъат шайх. Бухоро. 1994. -Б- 7.

яшаши керак. "Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний айтибдурларки, "халқдин оғирликни кўтармак керак ва бу муяссар бўлмас магар ҳалол касб била. "Даст ба кору, дил ба ёр" деган сўз хўжагон тариқатларида амри муқаррар (яъни бажарилиши шарт иш) турур"²⁶. "Васиятнома"да шунингдек, халққа нисбатан мужодала ҳолатида бўлмаслик, иложи борича кишидан ҳеч нарса талаб этмаслик, ўзга кишига хизмат буюрмаслик, ҳамма фақиру бечораларга меҳру-шавқат кўзи билан қараш ва ҳар бир одам, айрим кишиларни паст ҳисобламаслик ва бошқа инсонпарварлик, инсондўстлик ғоя-фикрлар ўз аксини топгандир.

Инсондўстликни, ғамхўрликни, яхши хулқ атвориликни тарғиб этувчи қуйидага мисралар Абдухолиқ Ғиждувоний рубоийлари ичида энг диққатга сазоворларидан бири ҳисобланади:

Саттори ҳама уюб бояд будан

Ғам чи аз ғами қулуб бояд будан

Гар дар талаби ризойи Холиқ боши

Бо халқ ба хулқа хуб бояд будан²⁷.

Таржимаси:

Ҳар бир айбни яшира олувчи киши бўл,

Ғамхўрлигинг қалбнинг ғами бўлсин.

Ҳар доим Холиқни розилигини олмоқ учун

Халқ орасида яхши хулқ, атворли бўл.

Улуғ ориф ўзининг инсондўстлик ғояларини устози Юсуф Хамадоий ҳақида ёзган асарларида ҳам баён этади. Устози Юсуф Хамадоний хислатларини баён эта туриб, маънавий - ахлоқий фазилатлардан бири, катта - кичикка бир хил иззат-ҳурматли бўлишга чакиради. Масалан устозларининг умрларида умуман мол-дунё

²⁶ И. Султон. Баҳовуддин Нақшбанд абадияти. Т:1994

²⁷ Абдухолиқ Ғиждувоний. Васиятнома. –Б-146.

иймаганлари, ёмон, бидъатчи, бенамоз одамларнинг суҳбатида утирмаганликлари, бирон кишитга ёмонликни раво кўрмаонликлари, ҳар бир мўминга аввало ўзлари ҳам салом берганликлари, ишсиз, дангасаларни ёқтирмасликлари ҳақида баён этади. Айникса, устозининг одамларни ирқи, миллати, молу-мулкчилига, бой камбағаллига билан ажратмасдан, ўз меҳнати билан, бировларга зарар келтирмасдан яшайдими, шунинг учун ҳурмат қилганликларини ифодалайди. Барча халқда, одамларга дўстона муносабатда бўлганликларини: турк, араб, тожик, жухуд, куллар билан маҳалла-масжидларда суҳбат куриб, маънавий-ахлоқий масалалар ҳақида ҳалол нима, ҳаром нима, шуларни тушунтирганлар" дейилади²⁸.

"Тил ва дилнинг доимо бир хил бўлиши", "касбнинг фарзлиги", "фақирни дўст деб билиш" каби ўғитларини қайта-қайта меҳр билан такрорлаб баён этган. Шу билан солиқларга шу фазилатларни, олийжаноб эканлигини уқтирган. Шундай инсонпарвар, инсондўст киши ҳақиқий Инсон бўлиб, Аллоҳнинг марҳаматига сазовор бўлади, деган. Демак, Абдуҳолиқ Ғиждувоний маънавий-ахлоқий таълимотининг асосий негизи:

-фақиру қашшоқ камбағаллар, муҳтожларни қўллаб-қувватлаш, уларга раҳм, меҳру-шафқат қилиш;

-Омманинг захмату ранжларини, машаққатини енгаллаштириш;

-узун кун хонақода ўтирмасдан, ҳамиша инсонлар билан бирга

бўлишни маслаҳат беради.

Хўжаи Жаҳоннинг "Дари шайхиро банд ва дари ёриро қушой, дари хилватро банд ва дари суҳбатро қушой", яъни одамлар учун шайхлик эшигини ёпгину, ёрдам эшигини очиш, хилват эшигини ёпиб, суҳбат эшигини очиш деган ўғити чуқур маъноли, мазмунли,

²⁸ Абдуҳолиқ Ғиждувоний. Мақсад ас-солиқин. Б.17.

юксак маънавий-ахлоқий ғоя ва панду-насихатдир.

Улуғ пир "Рисолаи васоъе" деб номланган насихатларида биров билан дўст биродар бўлаётганда, уни қуйидага беш маънавий-ахлоқий ҳикматга риоя қилишга даъват этган. Буларнинг биринчиси - фақирликни бойликдан афзал - устун қуядиган бўлсин (яъни нопок йўллар билан топилган бойликни);

иккинчиси-илмни дунёнинг бошқа нарса ва ишларидан устун қуядиган бўлсин;

учинчиси-камтарлик, муносиликни мутаккабирликдан юқори қуядиган бўлсин;

тўртинчиси эса зоҳир ва ботин ҳолатларини англаб олиш ва ботинни зиҳрдан устун қуя билиш;

бешинчиси-ўлимдан кўрқмаслик ҳолатида бўлиш, зероки ўлимдан кўрқувчи ҳақиқий эътиқодли инсон ҳисобланмайди, чунки дилига муглак Ҳақ ҳақида шак бўлади.

Маълумки, биринчи шарт сифатида келтирилаётган фақирликнинг тариқатда ўзининг белгилари мавжуддир. Булар:

1. Нафсни жиловлаш, ақлни нафс ҳокимига айлантириш,
2. Кўнгилни кина, адоватдан пок тутиш.
3. Камтарона умр кечириш.
4. Роҳат ва беғамликни тарк этишдир.

Абдуҳолик Ғиждувоний фақирликнинг юқорида кўрсатилган қоидаларига доимо ҳаёти давомида риоя қилиб келажак авлодни ҳам шунга даъват этган.

Улуғ пир "Мақсад ас-соликин" номли асарларида ёшларга мурожаат қилиб, "ёшлик чоғида ғурур, кибр, нафс васвасаси ғолиб келиши мумкин бўлган, эҳтиёт бўлиш, йўлни тўғри танлаш керак"лигини айтган. Доимо ақлга мувофиқ нафсга хилоф бўлишлигини

таъкидлайди. Инсоннинг асли ҳам тупроқдан экан у ҳам оғир, босиқ бўлиши, куруқ ном учун чиранмаслиги лозимлиги таъкидланади.

Ҳақиқий инсонийлик фақирликнинг иккинчи белгиси дилни кина адоватдан пок тутиш экан. Хўжаи Жаҳон инсонларни доимо покликка, киши кина адоватдан тоза сақлашга, софланишга даъват этиб, мабодо бировдан норози, хафа бўлиб қолганда ҳам, ҳеч қачон юракда кина адоватни сақлаб юрмоқ, ундан ўч олишни уйламоқ ҳам керак эмас, чунки ёмонга юқорида айтилганидек, унинг ёмонлигинингўзи етарлидир. Ўшанинг ўзи жазодир. Албатта ёмонга унинг ёмонлигини тушунтириш, тўғри йўл кўрсатиш, яхшиликка даъват этиш керак. Лекин асло ундан нафратланиш, жамоадан чиқариб ташлаш керак эмас.

Мутафаккир Ҳақ, ва инсоншунос бандага Ҳақнинг розилигидан юксак нарса йўқ экан, Худо ҳам фақатгина покиза инсонлардан доимо розидир, деган фикрни қуйидаги мисраларда баён этади:

Беҳтар зи ризолиги Ҳақ, чи ёбад банда

Рози аст Худо аз марди покиза

хисол²⁹

Таржимаси:

Бандага Ҳақнинг розилигидан яхши нарсалар йўқдир,

Худо ҳам покиза хислатли кишидан розидир.

Фақирликнинг учинчи ва тўртинчи белгилари сифатида келтирилаётган камтарлик, роҳат ва беғамликни тарк этиш хислатлари Хўжаи Жаҳоннинг "Васиятнома", "Маслак ал - орифин", "Мақсад ас соликин" ва бошқа рисола, асарларида ўз аксини ва шарҳини топгандир. Инсон камтарона умр кечиришни мақсад қилар экан, унинг кўзига мол-дунё енгил-елпи ҳаёт, ўзининг асли ҳақиқийлигини уйлашдан бошқа нарса кўринмайди. Шунингдек, Гиждувоний ботиний ва

²⁹ Абдуҳолик Гиждувоний. Васиятнома. Б.126

зоҳирий оламлар ҳақидаги илмни жуда чуқур, ҳар томонлама ўрганиш, ҳар бир қиладиган амални илмини билиш, қандай амал бажарилса, дил-қалбдан ихлос билан ижро этиш кераклигини орифона панду насихатларида таъкидлаган.

Шунинг учун Хўжаи Жаҳон, ҳар илмники ўрганибсиз унга доимо амал қилиш, шу билан бирга, амалники этгайсиз-сидқу ихлос билан этинг, деб таъкидлайди. Шунингдек, дўст биродарликка қабул қилинадиган кишининг учинчи хислати сифатила хорликни ўз иззатидан юқори қуйиш кетирилган. Бу талабнинг мазмуни шуки, яъни иззатталаб бўлмаслик, инсон қиёфасини безовчи камтарлик улуғланади. Халқ ҳикматларида "Ҳар қандай инсон ўз қадрига нисбатан ўзини пастроқ тутиб юрса, оламлар орасида шунчалар иззат обрўга лойиқ бўлади, аксинча ўз қадрига нисбатан ўзини қанча юқори қуйса одамлар наздида унинг кадри пастлашади" дейилади. Инсоннинг қадрини унинг ишларининг натижаси кўрсатади. Хўжаи Жаҳоннинг бу ҳақда қуйидаги мисралари мавжуддир:

Аз шуҳрати хеш нафсро лор мадеҳ,
Худро ба миёни мардумон ёд мадеҳ.
Кам ному нишон бош гар ин дар макун,
Зинҳор ки дини хеш барбод мадеҳ³⁰.

Таржимаси:

Шуҳратинг билан нафсингни қувватлантирма,
Ўзингни халқ қошида зикр
этма. Камтарин бўл буни
кечиктирма, зинҳор Ўз
динингни барбод қилма.

Кейинги сифат бу солиқнинг зоҳир ва ботин амалларини яхши

³⁰ Абдуҳолиқ Ғиждувоний. Васиятнома. Б.136

билиши зарурлигидир. Бу ҳақдаги фикрни Абдухолик Ғиждувоний шундай тасвирлаган:

Эшонки агар зи роҳи мурсалон боши,
Дар зоҳиру ботин ҳама яксон боши.
Эмиш нашави зи макри шайтон зинҳор,
Боятки зи Ҳақ ҳамиша тарсон боши³¹.

Таржимаси:

Агар кимки мурсаллар йўлида бўлса,
Зоҳиру, ботинда бир хил ҳолатда бўлсанг.
Доимо шайтон макридан огоҳ бўл,
Ҳақдан ҳамиша қўрқиб юр.

Дўст биродарликка қабул қилишнинг бешинчи хислати сифатида "ўлимга тайёр бўлиш" келтирилган. Хўжаи Жаҳон таълимотида бу хислатнинг моҳияти шундай айталадики, яъни олам ўткинчи, унда инсон меҳмон сифатидадир. Инсон умри жуда тез ўтиб кетади. Бу ҳақда Ғиждувонийнинг қуйидаги рубоийисида баён этилгандир:

Эй дил бигузур, зи шодмони жаҳон,
Пайдост чи хезад зи жавони жаҳон,
Рузие шабе битояд рехлат кард,
Мағрур машав ба зиндағони
жаҳон³².

Таржимаси:

Эй қалб, бу дунё шодликларини тарк эт,
Зероки улар арзимаيدир,
Кечасими, кундузими ўлим келиши аниқ,
Шунинг учун бу дунёда яшашдан мағрурланма.

Демак, ҳар бир инсон бу дунёда меҳмон эканлигини, шундай қисқа бир даврда фақат яхшиликлар қилиши, эзгу ишларни бажариши

³¹ Ўша ерда

³² Абдухолик Ғиждувоний. Васиятнома. Б.175.

лозимлиги таъкидланади.

Ёки, Хўжаи Жаҳоннинг "дунёда ўзга бир ўлкада ғурбатда яшагандек яшаш, дунё охиратини ғамини чекиб ўлимни ўйлаш, балоғатга елмаган ёшлар, аёллар билан, бидъат аҳли билан суҳбат қурмаслик, хилватда, "ёмон одамлардан узоқлашиш" ғофиллардан қочгандек кўрқиб яшаш керак, "чунки бундай одамлар сенинг дилингни олиб кетурлар", деб уқғириши диққатга сазовордир.

Хулоса қилиб айтиш лозимки, Абдухолиқ Ғиждувонийнинг инсонпарварликка оид ўғитлари жуда чуқур маъноли, аҳамиятлидир. Чунки ҳар бир киши дунёда дўст биродарсиз яшай олмайди. Дўст биродари, атрофидаги кишилар унга маънавий руҳий ахлоқий жиҳатдан доимо таъсир қиладилар. Ҳар бир инсон ҳам одатда маънавий шароитта мослашиб боради. Ҳар қандай ҳолатда ҳам юқорида таъкидланган беш ҳикматли фазилату сифатга риоя қиладиганлар ҳақиқий биродарлардир.

Ғиждувонийнинг инсонпарварлик ғоялари жамиятимида инсонлар ўртасидаги меҳр-муҳаббатни, холис муносабатни пайдо қилишга хизмат қилувчи буюк меросдир. Шунинг учун унга асосланиб таълим тарбия ишларини олиб бориш яхши натижа беради.

II.2. ИЛМ ВА ИЙМОН ТУШУНЧАСИ

Хўжа Абдухолик Ғиждувоний таълимотида ёшларга энг биринчи вазифа сифатида илм олиш тавсия этилади, чунки инсон камолотида унии эгаллаш улкан вазифалардан бири ҳисобланади. Зеро киши илм билан ўз олдига қуйган барча эзгу мақсадларига эришади. Қуръони Каримда илмли билан илмсиз ҳеч вақт баробар бўлмаслиги очиқ ойдin кўрсатилган. Каломи шариф оятлари "уқи" ("қара") деган хитоб билан бошланади ва бошқа оятларида ҳам илм олиш ва ўрганишга даъват қилинади. Ҳадис китобларида мусулмон шахс учун илмнинг беқиёс зарурлиги баён этилган ҳақиқатлар беҳисоб: "Бешиқдан то қабргача илм ўрган" деб, илм ҳар нарсадан юқори эканлиги, ҳеч нарса ундan юқори бўла олмаслиги таъкидланган.

Хўжа Абдухолик Ғиждувоний таълимотида тарғиб этиладиган юқорида тилга олинган барча умуминсоний, ахлоқий қадриятлар ушбу мукаддас "Ҳақ Таолонинг ҳужжати" билан асослаб қуйилган. Ғиждувоний Қуръони Каримни "қўрқув ва йиғи билан ўқиш"ни таъкидлайди. Бундай дейилишига сабаб шуки, бутун ҳаёти давомида яхши амалларни амалга ошириб, қисқа ғанимат умрнинг қадрига етиб, уни яратганни эсдан чиқармасдан, бу ёруғ дунё унинг марҳамати туфайли эканлигини, нотўғри амаллари билан унинг қаҳрига дучор бўлишдан қўрқиб яшаган киши яхши ҳаёт кечиради. Ундan жамиятга зарар бўлмайди. "Ғиждувоний буюрдиларки, "ҳаёти вақтида уни яратгандан қўрқиб яшаган кишида охиратда азоб бўлмайди"³³. Шунинг учун доим андишали бўлиб, фикру-андиша билан ҳамма ишни қилиш керак.

"Илм қидиришдан бир кадам ҳам узоқлашма, ҳадис илмини ўрган" дейди мўътабар Хўжаи Жаҳон. Ҳақиқатдан ҳам илм ва ҳаёт тажрибаси билан шуғулланмаслик, узоқлашиш ҳаётда яшашда ноқулайлик, нохушлик, қийинчиликларни келтириб чиқаради.

³³ Абдухолик Ғиждувоний. Мақсад ас-соликин. Б.127

Ғиждувоний таълимотидаги барча умуминсоний маънавий-ахлоқий кадриятлар: ота-онага, устозларга ҳурмат, катта-ю кичикка иззатда бўлиш, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, ботиний-зоҳирий пок бўлиш, ҳалол меҳнат билан яшаш, доимо яхшилар билан бўлиш, солиҳ ишларни амалга ошириш, ҳамда одобли ахлоқли бўлиш, ёмонларга ёмонлик билан жавоб бермаслик, уларнинг ёмонлиги ўзи учун берилган жазо эканлигини тушуниш, ақлга мувофиқ иш тутиш, ҳалоллик, хайрли бўлиш, илм олиш фарзлиги, ўзгаларга нисбатан меҳрибонлик, дўстлик, иймон, ижтимоий ҳаёт қонунларига риоя этиш ва бошқа ажойиб хислатларнинг ҳаммаси ҳадисларда мавжуддир.

Шунинг учун Хўжаи Жаҳон шундай бебаҳо хазина ҳисобланмиш ҳадислардан доимо баҳраманд бўлишга чорлайди.

Тасаввуф аҳли дунёвий ва шариат илмларини "зоҳирий илмлар" деб атаганлар. Маърифат "ботиний илм" деб юритилган. Тасаввуф аҳли зоҳирий билимни Тангрини билишнинг биринчи босқичи, дейдилар, Аллоҳни билиш дунёни билишдан бошланиши керак. Чунки дунё – Тангрининг ижоди, унинг сифатлари, қуратини намоён этиб турадиган кўзгу. Хўжаи Жаҳон Абдуҳолиқ Ғиждувонийдан "маърифатнинг камоли нимада?"- деб сўраганларида, у киши қуйидагича жавоб беради: "Худованд сенга кўз берди-кўриш қувватини ато этди. У кулоқ берди эшитиш қувватини берди. У тил берди ва ширин сўзлашиш қудратини ато этди. Улардан тўғри фойдаланиш, саодатга элтишга сабаб бўлади, уларни нотўғри гуноҳ йўлида ишлатиш эса, шаковат-яъни бахтсизликни келтириб чиқаради. Маърифатнинг камоли улдурки, шу сабабларни шаковат йўлида ишлатмасин. Шу юқоридаги латоифларнинг тўғри, Ҳақ йўлида ишлаши инсонда комил маърифат борлигидан дарак беради. Маърифатнинг чегараси нафсни бошқариш ва бунинг тадбири ҳалол нарсалардангина баҳраманд бўлмоғни одат

килмоқдур"³⁴, - дейди Ҳазрат.

Шайхи Акбар Ибн ал Арабий инсон билимларини учга бўлган: биринчиси-ақлий, ҳиссий билимлар, иккинчиси: хол илми. Учинчиси-сирру асрор илми. Биринчи илм зоҳирий фанлар билан шуғулланадиган кишилар илми бўлса, иккинчи илм-хол мартабасига кўтарилган сўфийлар илми ҳисобланади. Учинчи илм авлиёлар илми. Бу илм муқаддас руҳлар орқали келади, шуъла нур кўринишида қалбга киради.

Шу ўринда тасаввуф аҳлининг билим босқичларини учга бўлиши ҳақида гапирмоқчимиз: илм-ал яқин, айн-ал яқин, ҳақ-ал яқин. Арабча "яқин" сўзи ишонч, бирон нарсага қатъий ишонишни англатади. Илм-ал яқин, айн-ул яқин, ҳақ-ул яқин-билишнинг уч босқичи. Биринчи босқич-китобий, таҳсилиий билимга ишора бўлса, иккинчи босқич ўз иштирокидаги маънавий, руҳий ҳолат, тажрибавий билимни англатади, учинчи босқич эса, ўзи тажриба воситасига айланиб, ҳақиқатни, яъни Худони билиб олишдир. Илм-ал яқин-билим орқали ишониш. Айн-ал яқин тўлиқ илмни тажриба қилиб кўриб ишониш. Ҳақ-ал яқин-ҳақиқий ишонч. Юқоридаги тасниф этилган илм даражалари билан ҳозир таъриф этилган уч босқич орасида яқинлик бор. Хўжаи Жаҳон айтадики, - илм ал яқин, айн ал яқин бўлмагандан кейин бу ҳақида уйлашнинг фойдаси йук³⁵. Яъни, илм ал-яқин шак шубҳасиз илмдан кейин, айн ал яқин-яъни ҳақиқатни кўрганидан кейин келади. Шу иккаласи бўлмаса, ҳақ-ал-яқинни тасаввур қилиб бўлмайди.

Шунинг учун доимо андишали бўлиб, ҳамма ишни фикр билан қилиш керак. Шунингдек, Хўжа Абдуҳолик Ғиждувоний биродарликка қабул қилинаётган кишига қуйиладиган бешта талаб, ҳислатнинг иккинчиси-илмни дунё ишларидан юқори қуядиган бўлиши кераклигини таъкидлайди. Ҳар бир инсон доим илм толиби бўлиши керак. Ўз илмини бойитиб боришга ҳамиша вақтини топиши

³⁴ Абдуҳолик Ғиждувоний. Маслак ул-орифин. Б.18

³⁵ Хожа Муҳаммад Ориф ар Ревизий. Орифнома. -Т. : Наврўз

керак. Ҳар бир қиладиган ишнинг илмини билиши лозим. Инсоннинг камолга етишида илм асосий омил эканлигини таъкидлаб, Ғиждувоний илм ва маърифатнинг қадрини доимо баланд тутишни таъкидлаган.

Тасаввуфий таълимотни тушуниш учун ҳам ёки умуман шу диний, йўл жиҳатларни тушуниш учун ҳам фанларни чуқур ўрганган бўлиш лозим. Фан ва дин ҳар доим ўзаро яқин муносабатда бўлиб келган. Фан инсон яшайдиган муҳит-табиат ва жамият билан иш тутса, дин инсоннинг ички дунёси-қалби ва руҳига таалуклидир. "Эллинизм ва ўрта аср Шарқидаги фан ва дин бир-бирини тўлдирган. Улар орасидаги айрим келишмовчиликлар мурасасиз ихтилоф даражасига етмаган. Аксинча, Жалолиддин Румий каби мутафаккирлар Аллоҳга етишиш йўлининг хилма-хил бўлиши, хусусан, ўз ҳаётини дунёвий илм ва адабиётга бағишлаб ҳам бу мақсадга эришиш мумкин, деган ғояни кўтарган, зотан фаннинг ҳам, диннинг ҳам мақсади-ҳақиқатга интилиш. Шундай экан, улар орасида объектив зиддият бўлиши мумкин эмас. Мавжуд зиддиятлар сунъий ва субъектив. Таъкидлаш жоизки тарихда "фан ва дин аслида бир-бирига зид эмас балки, уйғун соҳалар" деган ғояни илгари сурган ва ривожлантирган буюк олимлар кўп бўлган. Масалан, Ҳаким Термизий бизнинг тушунчамиздаги фанни илм, диний илмни эса маърифат, ҳикмат деб атаган. Уларнинг инсон тафаккуридаги урнини тўғри белгилаган. Ҳаким Термизий ғояларини Фахриддин Розий, Муҳиддин ибн Арабий, ибн Рушд каби олимлар ривожлантирган. Фан ва дин мутаносиблигини Ибн Сино ўз фаолиятида кўрсатган. Амир Темур даврида Саъиддин Тафтазоний бу ишни жуда аълосига етказди. Фан объекти-бевосита ёки билвосига кузатиш, тажриба ва тафаккур орқали моддий олам, жамият ва инсонни ўрганиш, улар билан боғлиқ, объектив қонуниятларни аниқлаш ва шу асосида оламга, жамиятга ва инсон табиатига маълум мақсадда таъсир уўказиш. Бугунги фан катта ютуқларни қўлга киритмоқда. Фан давлатнинг

иктисодий-иҷтимоий қувватини таъминловчи омил бўлса, дин жамиятнинг ахлоқий ва руҳий қудратини таъминлайди"³⁶. Шунинг учун Абдуҳолиқ Ғиждувоний ҳам диннинг тараққиётида фаннинг ролини билгач ва ботиннинг камол топишида зоҳирий илмлар - илмнинг ўрнини муҳим деган.

Ғиждувоний ўғитларига амал қилиб, таълимотларини давом эттирган мўътабар сўфий Ориф ар Ревгарий ўзининг "Орифнома"асарида "Ориф эмас ул кишиким, илм ва маърифатни пулдор, дунёпараст ва бадавлат одамлар олдига "дастурхон", бозор, балки хор айлағай!"³⁷, деб илмнинг қадрини пастга урувчилардан норози бўлади. Абдуҳолиқ Ғиждувоний илмни бағоят теран ва ҳар томонлама ўрганишга даъват қилади. Ҳар қандай амални қалбдан, ихлос билан адо этиш кераклигини қуйидаги ўғитларида таъкидлайди. Абдуҳолиқ Ғиждувоний дейдики: "Эй фарзанд, илм ўрган, унга амал эт, тақволи бўл!". Бу ҳикмат пайғамбар алайҳиссаломнинг насиҳатлари имон билан амал бир-бирига жуда яхшилиги, улар бир-бирисиз дуруст эмаслигига бағишлаб битипган ҳадислари ҳосиласидир.

Хўжаи Жаҳоннинг илмни улуғловчи қуйидаги рубоийси юқоридаги

мисолларга ҳамоҳангдир:

Эй, толиби Ҳақ ба дўст пардоз мудом,

Дар роҳи сафо илм барафроз мудом.

Хохи, ки зи асроби шуурат хонанд

Тақдири Худо шуури худ соз мудом³⁸.

Таржимаси:

Эй, Ҳақ талабгори ўзингни дўстлик билан безат,

Поклик йўлида илмингни юксалтир.

³⁶ Ҳожа Муҳаммад Ориф ар Ревизий. Орифнома. -Т. : Наврўз

³⁷ Ўша ерда.

³⁸ Абдуҳолиқ Ғиждувоний. Васиятнома. Б.174

Сени онглилар йўлида санашларини истасанг,
Худонинг тақдирини доимо ўз онгинг, деб ҳисобла.

Шунингдек Хўжаи Жаҳоннинг илмни юксак қадрлашларини устозлари Юсуф Хамадоний ҳақида гапирганларида, у кишининг ҳам илм тарғиботчиси эканликларини фахр билан тилга олади.

Умуман олганда, Хўжаи Жаҳон илм ўрганмасдан туриб, бирор ишга киришмасликка, ҳар илмни ўрганган киши унга амал қилишга, қилинадиган амал сидқу-ихлос билан қилинишига, илм эгалари ва шайхларнинг таълимотини инкор этмасликка, доимо илмнинг қадрини баланд тутишга, унга гард юқтирмасликка даъват этади. Хўжаи Жаҳоннинг муридларига таъкидлаган қуйидаги ўғити чуқур маънавий ахлоқий қимматга эгадир: "Қаерда бўлманг, сизнинг олдингизда қандай қийинчиликлар бўлмасин, тўсиқлар, дарёлар, оловлар бўлса ҳам, сиз буларни бартараф этиб, билимни эгаллашингаз керак. Фақат илмгина инсонга ҳақиқий руҳ роҳат бағишлайди".

Хўжаи Жаҳоннинг шогардлари Ориф ар-Ревгарий ҳам устози таълимогини ривожлантириб, илмни юксалтириш борасида шундай дейди: "Сенинг вазифанг - Қуръони вожибут таъзим (таъзимга сазовор Қуръон) ва Расули Акрамнинг ҳадисларидан баҳра олиб, бошқаларни ҳам баҳраманд этгайсан ва тўғри йўлга бошлагайсан. Зеро улар ҳам сенинг ҳақиқий биродарларингдур"³⁹.

Умуман Хўжаи Жаҳон бизларни илм ўрганишга ундаганида, фақат диний илмларни эмас, дунёвий илмларни ҳам ўрганишни назарда тугади. Чунки Тангрини билиш У яратган нарсаларни ўрганишдан бошланади.

Хўжа Абдухолиқ Ғиждувоний илм олиш билан бирга унга амал қилишга, диний қонун қоидаларни каму кўстсиз бажаришга даъват этади.

³⁹ Хожа Муҳаммад Ориф ар Ревизий. Орифнома. -Т. : Наврўз

Ғиждувоний таълимотича, сўфийнинг энг биринчи вазифаси, бурчи барча диний фаройизларни, яъни намоз ўқиш, рўза тутиш, закот бериш ва ҳажга боришни бажариши лозим, парҳезкор, тақводор, порсо бўлмғи керак. Демак, Хўжаи Жаҳон биринчи навбатда шариатдаги беш асосий амалий рукнларни бажаришни талаб этади. Намоз масаласида Хўжаи Жаҳон қуйидагиларни айтади: "Бомдод намози билан туриш керак, шу куннинг қадрига етиш керак... Солиҳ аъмол (яхши амалга) эришиш учун оз егин, оз уғла ҳамма вақт ибодатда бўлмоқ, тонгда доимо истиғфор (астағфуруллоҳ) билан машғул бўлмоқ керак. Тоат, ибодат ихлос билан бўлиши лозим"⁴⁰.

Хўжаи Жаҳоннинг ўзи кечанинг бошидан то тонгга қадар намозда бўлган. Тонг ёришга вақтда Аллоҳга муножот қиладики, "Худовандо жуда кўп саъй (яъни ҳаракат) қилдимки, икки ракат намоз бажарай, лекин бу ишни қила олмадим"⁴¹. Яъни бу билан Хўжаи Жаҳон намозни "Сенга маъқул бўларлик даражада қилолмадим" деб ўзининг ибодатларидан шарҳлайди. "Шайх буюрадиларки: ибодагнинг асли - ихлосдур"⁴².

Ўзлари ҳар замонда истиғфор айтиб ўтирарканларки, бизнинг тоатимиз қусурли, деб. Шунинг учун халқимизда шундай нақл борки: "беайб парвардигор". Ҳар бир инсон Хўжаи Жаҳон айтганидек, ўзини доимо "тавба", "истиғфор" айтиш билан гуноҳнинг ғуборларидан тозалаб туриши керак. Яъни қилаётган ишларини сарҳисоб қилиб туриб, нотўғри амалларини пайқаб, тезда улардан қайтиб» солиҳ амалларни бажариб туриши лозим. Хўжаи Жаҳон: "Барча ибодатларнинг боши тавбадир. Ибодат - Аллоҳга қуллиқ. Шундан кейин барча ибодатларнинг сифати амалга ошади ва башорат бўлади" дейди. Хўжаи Жаҳон доимо Худонинг розилиги учун ҳаракат қилиш, унинг фармонларига амал қилиш

⁴⁰ Абдуҳолиқ Ғиждувоний. Маслак ул-орифин. Б.110

⁴¹ Абдуҳолиқ Ғиждувоний. Маслак ул-орифин. Б.110

⁴² Абдуҳолиқ Ғиждувоний. Васиятнома. Б.162.

зарурлигини, ўшандагина Аллоҳ бандасига лутф айлаб, доимо ундан эҳтиёт бўлишини айтиб ўтади.

Яна, ислом динидаги киши ҳар йили рамазон ойида бир ой рўза тутиши керак деган фарзни Хўжаи Жаҳон қуйидагича шархлайди: "рўза инсонни қўриқлайдиган қалқондир"⁴³.

Бу билан Ғиждувоний рўза инсонни ҳар қандай нафс балосидан: очкўзлик, таъмагарлик, ўғрилик, порахўрлик каби иллатлардан сақлайдиган қалқон дейди.

Абдухолик Ғиждувоний кейинги фарз сифатида Ҳажга бориш масаласида фақат ҳалол меҳнати билан топилган маблағга Ҳажга бориш, етим- есир, бева бечораларга хайр- садақа қилиб туриш, парҳезкор, яъни ҳаром нарсалардан (нигоҳ, фикр, луқма)ни сақлашни, порсо-яъни пок бўлишни таъкидлайди.

Хўжаи Жаҳон доимо ҳар қандай ҳолатда ҳам ақлга мувофиқ иш қўришни таъкидлаган. "Ақлнинг яхшилиги иймондандур. Иймон - юракда худонинг борлигидир. Ҳар бир тоат - иймондур"⁴⁴ деб иймон ҳақидаги фикрларни баён этган.

Хўжа Абдухолик Ғиждувоний ҳар бир инсон ҳаётда яшар экан, заррача бўлса ҳам гуноҳ қилмаслиги, агар оз бўлса ҳам бунга йўл қўйса, у гуноҳ вужудтҳга келгандан кейин қалбнинг саҳифасини қоронғу қилишини, иймонни камайтиришини таъкидлайдилар.

Хулоса қилиб айтганда, одамлар дилига эзгулик ва покликни сингдириш ташкил этган диний қадриятларнинг одамларни тарбиялашдаги қанчалик буюк аҳамиятини англаб Ғиждувоний ўзининг тасаввуфий-ирфоний таълимотида диний қадриятларга катта эътибор берган. Ҳозирги пайтда ҳам Президентимиз И. Каримов: "Ислом дини бу ота-боболаримиз дини, у биз учун ҳам иймон, ҳам маърифат эканлигани унутмайлик. У қуруқ ақидалар йиғиндиси эмас.

⁴³ Абдухолик Ғиждувоний. Васиятнома. Б.176

⁴⁴ Ўша ерда.

Ана шу маърифатни кишиларимиз жон-жон деб қабул қиладилар. Меҳр оқибатли, номусли, ориятли бўлишга, иззат-эҳтиром тушунчаларига риоя этишга ҳаракат қиладилар"⁴⁵ дейди. Бу Хўжаи Жаҳоннинг ғояларига мос келади. Ислом ва илм, ислом ва фан тараққиёти масаласи тарихдан кузатилади. Ислом таълимоти ҳозирги Ўзбекистоннинг мустақиллиги шароитида, унинг мамлакатимиз ижтимоий равнақи, маданий-маънавий камолоти жараёнидаги назарий ва амалий аҳамияти янада ошиб бормоқда. Диний маънавий-ахлоқий ақида, ғоялар умуминсоний қадрият сифатида баҳоланаётган бугунги кунда Хўжаи Жаҳоннинг илм, ахлоқ-одоб ва иймон тўғрисидаги таълимоти ўз аҳамиятини ҳануз йўқотган эмас, аксинча, ушбу қарашлар янгича маъно-мазмун касб этмоқда.

⁴⁵ Каримов И. А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истикболининг асосий тамойиллари. Т.: 1995. Т. 3, -Б. 54.

II.3. МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ПОКЛИК ВА КОМИЛ ИНСОН ҒОЯСИ

Хўжагон тасаввуфий мактабининг асосчиси Хўжа Абдухолик Ғиждувоний ирфоний - тасаввуфий дунёқарашида поклик ҳақидаги қарашлар муҳим ўрин эгаллайди. Бу таълимотда покликни улўғлик сифатида олиб қарайди. Поклик амалий ҳаётда, турмушда меҳнат ва кишилар билан бўлган муносабатда намоён бўлади. Покиза ҳис туйғу инсоннинг маънавиятини шакллантиради. Чунки, поклик мазмунида оқиллилик ва эътиқодлилик, шарм ва ҳаё, ор-номуслик, зийраклик ва фаросатлилик, вафодорлик, ҳалоллик, вазминлик ва улўғворлик, тежамкорлик, меҳрибонлик каби яхши хислатлар мужассамлашгандир. Покиза ақл инсонни руҳий жиҳатдан юксалтиради. Киши ҳаётида ахлоқий поклик биринчи даражали вазифадир. Чунки ахлоқий поклик таъма ва молпарастликка ҳирс қуйишга мутлоқо зиддир.

Шунинг учун Хўжаи Жаҳон таълимотича, ҳар бир инсоннинг энг биринчи вазифаси, бурчи маънавий ахлоқий покликдир. Унда шахс софликни яшаш қондаси қилиб қуйиши лозимлиги таъкидланади. Ана шу поклик моҳиятини "Васиятнома" номли асарида қуйидагача ифодалайди:

Покиза ҳисол боши андар ҳама хол,
Ки зи хислати покиза - ки шуд аҳли камол.
Бехтар зи ризоки Ҳақ чи ёбад банда,
Рози аст Худо аз марди покиза ҳисол⁴⁶.

Таржимаси:

Ҳар қандай ҳолда покиза бўлсанг,
Камолот аҳлининг юксак даражаси ҳам шундадир.
Бандага Ҳақнинг розилигадан ортиқ нарса йўқдир,
Худо ҳам покиза хислатли марддан розидир.

⁴⁶ Абдухолик Ғиждувоний. Васиятнома. Б.176

Яхшиликларни ҳеч нарса талаб қилмасдан қиладиган инсонлар ҳам бор. Бундай кишилар бировлар учун доимо эзгу ишларни бажарадилар. Уларга доимо мададкор бўладилар, бировларнинг ташвишлари билан яшаб, доимо бир савоб ишни бажаришга ҳаракат қиладилар. Бу эса ҳақиқий ахлоқий сифатдир. Уни пок, холис, ҳақиқий яхшилик, дейиш мумкин. Бундай кишиларни покиза, ахлоқий пок инсонлар деймиз. Уларнинг қалби мангу, ўлмас, абадий, ҳар қандай салбий сифат ва хусусиятлардан холидир. Мўътабар шайх Хўжаи Жаҳон шундай кишиларни "Ҳар қандай ҳолатда ҳам покиза инсонлар" дейди. Ана шундай хислатли кишиларгина "камолотга" етишадилар.

Худпараст, худбин шахс: "Мен-бу мен ва ҳеч бир ўзга" амал қоидаси билан яшайди. Худпарастлик, худбинликнинг охир оқибати махсуслик, айримлик сезгиси ҳиссиётнинг сабаби, турли одамлар, гуруҳлар, тоифа, табақалар, ўзаро можароларнинг сабаби, бемаъни олишувлар, умуман кина, нафрат, ғайри инсоний, ғайри дўстий ҳодисалар содирланишининг сабабидир. Агар худбинлик, худпарастлик бўлмаса эди, ҳеч қандай бемаъни манманлик кибру такаббур, рашку хосидлик бўлмас эди.

Хўжаи Жаҳон ва у киши сингари бошқа сўфий шайхлар ўзларининг аслий томонларини ноаслий жисмий-жасадий жиҳатларидан айира билганлар. Жисмий жасадий ҳолат вақтинчалигини аслий ҳақиқий тана учун муайян ҳолат сифатида ўтарлигини яхши англаб олганлар. Шунинг учун аслий томонларини англаган шахслар учун ўлим ваҳимаси йўқ, улар ундан қўрқмайдилар. Уларнинг англаганича ўлимни ҳеч қандай фожиавий жихати йўқ, улар зероки ўлим киши учун бир ҳолатдан, бир хил яшаш тарзидан иккинчи ҳолат, иккинчи хил яшаш тарзига ўтишдир, жисмоний жасадий ўлим абадий руҳ жон мавжудлик тарзининг ўзгаришидир.

Шунинг учун Хўжаи Жаҳон "ҳар доим охирги нафасга тайёр бўл,

шу ҳар бир нафасни охирги деб уйла, ҳар ишни ўз вақтида қилки, кеч бўлмасин. Ўлимга тайёрлик-умрни беҳуда ўтказмаслик" деб айтганлар⁴⁷.

Хўжаи Жаҳонга савол берадилар: "Дилнинг фароғати нимадан ҳосил бўлади" Абдуҳолиқ Ғиждувоний дилнинг фароғати унинг поклигадир. Агар ул дилга дунё манидан заррае тамаъ бўлмаса, дил фароғатда бўлур, деб жавоб беради.

Шу ўринда "Орифнома"да қуйидага ҳикоя келтирилади. "Ашур оийи эди. Жамоа Ҳазрат Хожа суҳбатларида ҳозир. Ҳазрат эса шариатдан сабоқ бераётган эдилар. Баногоҳ бир мард зоҳид ва солиқлар суратида пайдо бўлди: эғнида хирқа, кифтида сажмода (жойнамоз), бир бурчакда ўтирди ва бир соатдан кейин ўрнидан туриб, Ҳазрат Хожага деди "сизлар мўъмин зийраклиги билан қўлланганлар, чунки у Оллоҳ нури билан боқади, бунинг сирини бизга билдиринг", Хожа дедиларки, бу ҳадиснинг сири шуки, зуннорингни кесгайсан ва иймон келтиргайсан. Ул йигит зуннорини кесди ва иймон келтирди. Хожа р. а. дедилар: "Эй ёронлар, бу йигит зоҳир зуннорини кесиб, иймон шарафига мушарраф бўлди, биз ҳам ботин зуннорини кесайлик ва қайта иймон келтирайлик. Даврадагиларга ажиб бир хол пайдо бўлди ва ҳаммалари тавба ва истиғфорларини тоза айлаб, қайтадан иймон кетирдилар"⁴⁸.

Бу хикояда зуннор-ужб (кибр) яъни риё ҳисобланади. Риё амалнинг тамаъ билан қилинишидир. Ваҳоланки холис ният билан, яъни ихлос билан қилиниши керак.

"Мард"-ҳақиқий инсон, барча абадий вужудлик ишларига карама-қарши бормаидиган фидокор. "Бундай кишининг хилъати-

⁴⁷ Абдуҳолиқ Ғиждувоний. Маслак ул-орифин. Б.176

⁴⁸ Хожа Муҳаммад Ориф ар Ревизий. Орифнома. -Т. : Наврӯз Форс-тожик тилидан Садриддин Салим Бухорий, Исроил Субҳоний таржимаси

кийими Худонинг юзи бўлади" - дейди Абдухолик Гиждувоний.

Зоҳирда ва ботинда пок бўлиш шарти Хўжаи Жаҳоннинг "Мақсад ас-соликин" асарида ҳам устози Юсуф Хамадонийнинг муборак сўзлари сифатида келтирилади: "Эй Абдухолик сулук Ҳақ йўлдир ва икки хилдир. Зоҳирий сулук-яъни ташқи йўл ва ботиний сулук-яъни қалбий сулукдир. Зоҳирий сулук шудирки, жамийки аҳволда шариатга риоя этсин. Нафсни муҳофаза қилсин. Ўзини тоза сақласин.

Хўжаи Жаҳон Абдухолик Гиждувоний "Мақсад ас соликин", "Маслак ул-орифин" каби асарларида ҳам хуфия зикрнинг моҳияти, аҳамияти ҳақида фикр билдирган. Саййид Аҳмад ибн Мавлоно Жалолиддин Хожаи Косоний Махдуми Аъзам ал Фарғоний (1463-1542) "Тўрт калима ҳақида рисола", "Илм ҳақида рисола" номли асарларида Абдухолик Гиждувонийнинг хуфия зикр билан шуғулланганликлари ҳақида маълумот беради.

Улуғ орифнинг устози Юсуф Хамадоний ҳақида " у киши дилда зикр айтишни шайх Бурҳониддин Қиличдан ўрганган эдилар" деб ёзган⁴⁹.

"Илм ҳақида рисола" асарида Абдухолик Гиждувонийнинг Юсуф Хамадоний томонидан дилда зикр қилинадиган кишига бир қанча таҳорат шартлигини баён қилгани келтирилган. Юсуф Хамадонийнинг қуйида ишоратларни санаб ўтганлиги келтирилади:" биринчи кўз таҳорати бўлиб, номаҳрамни кўришдан уни тийиш керак, иккинчи қулоқ таҳорати бўлиб, қулоқни ҳаром овозларни эшитишдан пок сақламоқ керак. Учинчи тил таҳорати бўлиб, ғийбат, ёлғон ва бефойда гаплардан тилни пок ва озод сақамок керак. Тўртинчи қорин таҳорати бўлиб, уни шубҳали ва ҳаром озиқ -овқатдан, ичимлик ва бошқа егуликлардан пок, сақламоқ керак.

⁴⁹ Махдуми Аъзам. Сийрати ва меъроси. Тошкент. 1996- -Б. 35.

Ботиний покланиш қалб зикри эканлиги тўғрисидаги фикр Абдухолиқ Ғиждувонийнинг "Маслак ал орифин" номли асарининг "Зикр талқини ва одоби тўғрисида" га тўртинчи бобида баён этилган. Бу бобда зикр-бандининг Ҳаққа бўлган муҳаббати эканлиги, айтилади. "Ҳар банда Ҳақни яхши кўрса, уни кўпроқ зикр қилади. Чунончи, Расул алайҳиссалом : "Кимки бирор нарсани яхши кўрса, унинг зикрини кўпроқ қилади" деган эдилар.

Бу бобда Хўжаи Жаҳоннинг пайғамбар алайҳиссалом "Зикрларнинг афзали" ло илоҳа иллаллоҳ" деганларини, Абубакр Сиддикдан Абдухолиқ Ғиждувонийга етиб келганлигини ва то қиёматгача боқий қолади"- деган фикрлари келтирилади ва хуфия зикрнинг аҳамияти ҳақида гапирилади, шу ўринда қуйидаги байт келтирилади:

Даруни хилвати далро аз меҳри кор холи кун,
Ки султон дарун мебояд хил чашм берун .

Мазмуни:

Ботинингдаги юрак хилватхонасини ўзгаларнинг меҳридан пок қил
Султон қалбингда бўлиши керак, кўз билан зоҳирни кўрамиз.

Бу байтнинг мазмуни шундаки, юракда Аллоҳ меҳридан бошқа нарсага йўл қуймаслик керак. Яъни ҳамма нарсани Худодан эканлигини билган ҳолда яхши кўришимиз керак. Нарсанинг асосини эсдан чиқармаслик керак. Кўз билан зоҳирни кўрамиз. Аллоҳ қалбда бўлиши керак.

Хўжа Абдухолиқ Ғиждувонийнинг Хўжа Ориф ва бутун хўжагонларга айтган сўзлари Хожа Муҳаммад Порсонинг "Муқаддима ли-жомеъ ул калим" яъни "Жомеъ ул-калим" китобига "Муқаддима" номли асарида ўз тасдиғини топгандир. Асар Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик института Шарқ қўлёзмалари хазинасида сақланмоқда.

Бу асар ҳақида ҳозирча бирон марта тўлиқ маълумот берилмаган, фақатгина Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти

томонидан 1996 йилда нашр этилган "Буюк сиймолар, алломалар" номли тўпламнинг 2-китобида Хожа Муҳаммад Порсонинг Шарқшунослик Институтида сақланаётган асарлари қаторида, 17 тартиб рақами остида "Муқаддима ли-жомеъ ул калим" китобига муқаддима номи билан қайд этилгандир.

Биз биламизки, Хўжаи Жаҳон асосчиси ҳисобланган хўжагон тариқатидан кейинчалик Яссавий тариқати келиб чиққан. Баҳоуддин Нақшбанд таълимоти асосида нақшбандия таълимоти вужудга келгандир. "Хўжа Абдухолиқ Ғиждувонийнинг Хўжа Ориф ва бутун хожагонларга айтган сўзлари» асарининг асосий мазмуни шундан иборатки-солик, яъни Ҳақ талабгори, унга етмоқчи бўлган киши маънавий камолотга эришишида, унга тўсиқ бўладиган томонларни енгиш учун маълум шартларни бажариши керак.

Ботинимиздаги нафс Хўжаи Жаҳоннинг таъкидлашича солик учун

биринчи тўсиқ дейилади, Асарда бу қуйидагича баён этилади.

Нафсингизни эҳтиёт қилинг. Нафс ботин ишдир. Киши доимо Аллоҳ

билан бўлсин ва хотирида ўзга нарсага йўл қўймасин"⁵⁰.

Инсон сабр қаноат билан тўғри яшаши, руҳини, иродасини чиниқтира бориши, инсонийликка эриша боришидир. Хўжа Абдухолиқ Ғиждувоний "Маслак ал орифин" асарининг "Нафснинг сифатлари ва унинг ҳолатини ўзгартириш" номли бобида нафснинг тўрт хил мартабаси борлигини:

1. Нафси аммора-имонликка ундайди,
2. Нафси лаввома-инсонни ўзини идора қила бошлаган пайти.

⁵⁰ Абдухолиқ Ғиждувоний. Маслак ал орифин. -Б. 10,

3. Нафси мулҳдаа- яхшиликка йўл берувчи.

4. Нафси муғмаина – хотиржамлик эканлигини кўрсатиб ўтади.

Ўтмиш меросимизга буюк алломалар умрнинг ҳар бир дақиқасини кадрлаш ва эъзозлаш тўғрисида жуда кўп фикрлар ёзиб қолдирганлар. Хўжа Абдуҳолиқ Ғиждувоний таълимотида "умр" мавзуи жуда катта ўрин эгаллайди. Чунки, биз биламизки, инсон барча фаолиятини - энг яхши ишларини ҳам, энг ёмон амалларини ҳам умри давомида намоён этади.

Хўжаи Жаҳон ўзининг тасаввуфий таълимотида улуғ неъмат бўлган умрни "сармоя" деб атайди. Биз биламизки, "сар" - бош, "моя" - асос деган маънони англатади. Ҳамма нарсанинг бош асоси яхши бўлса, унинг охири ҳам яхши бўлади.

Хўжагон тариқатида инсониятнинг бу дунё ва охираатдаги ҳаёти яхлит деб қаралади. Шунинг учун бу дунёдаги умрнинг ҳар нафасини мангуликка инсонни абадий чексизликка пайванд этади. Фалсафада "чеклилик" ва "чексизлик" тушунчалари мавжуд .

Чекли нарса бор ва чексиз нарса бор. Чекли - маълум муддатда яшайдиган нарса. Умрини беҳуда ўтказган одамни, ҳеч ким тилга олмайди а эсламайди ҳам. Умри тугайди, яъни чекли бўлади. Агар умрини мазмунли ўтказса, унинг иши ва номи абадий қолади. Улуғ ориф Хўжа Абдуҳолиқ Ғиждувоний шундай дейди: "Тириклик одам фарзандига берилган сармоядирким, бу сармоя билан саодат касб қилгай"⁵¹.

Хўжаи Жаҳон бу ерда тирикликнинг, яъни умрнинг катта неъмат эканлигини тушуниб яхши ишларни касб қилишимиз ва шундай ишлардан аодат топилишини таъкидлайди. Шу сармоя билан

⁵¹Абдуҳолиқ Ғиждувоний. Маслак ал орнфин. -Б. 10,

"даражотлар" ҳосил қилишнинг, бунинг учун "ҳар нафасни эҳтиёт қилиш керак"лиги таъкидланади. Чунки умр қайтариб бўлмасдир. Инсон берилган сармояни «беҳуда сарфласа, шу улугъ неъматдан маҳрум бўлишини уқтириб, "ўзинг дунё ва саодатдан "маҳрум қилмагин, уни ғанимат бил" - деб ўғит берами.

Шу "сармоя" бўлмиш умрни беҳуда сарфламасдан, ўзни улугъ неъматдан маҳрум қилмасдан яшаш, "даражотлар" яъни маънавий мартабаларга етишишимизга хайрли ишлар олиб келади.

Саодатга эришиш учун авалло инсон ҳаёти давомида қилган ишларини доимо сарҳисоб қила бориб, нотўғри қилган гуноҳли ишларини билиб, улардан қайтиши ва бундай амалларни қайтиб содир этмасликка қатъий аҳд қилиши лозимлиги таъкидланади. Хўжаи Жаҳон шу орқали фикрни ўз тариқатининг "Тавба" мақомида баён этади. Тавба қайтиш, яъни ёмонликдан эзгуликка, камолотга олий ахлоқий -сифатларга қайтишдир. "Бунинг маъноси шуки-дейди Абдуҳолиқ Гиждувоний - Худойи таолонинг ризолиги хилоф бўлган ҳар қандай сўз ва феълдан қайтишдир"⁵². Шунингдек бу ерда Ҳақ субҳонаху таолонинг Қуръони Каримда:"Эй иймон келтирган зотлар. Аллоҳга тавбаи насух билан тавба қилинглари"деган сўзларини келтирган. Шогирдлари Абдуҳолиқ Гиждувонийдан тавбаи насухнинг моҳияти нима, унинг белгилари қандай дуб сўраганларида мўътабар шайх шундай жавоб беради: Тавбаи насухнинг учта белгиси бор: биринчиси шуки, нимаики Аллоҳнинг ризолигига хилоф бўлса, дарҳол ундан қайтишдир. Иккинчиси шуки, ғафлат билан, бефармонлик билан ўтган беҳуда вақтларига доимо пўшаймон бўлишдир. Учунчиси шуки, гуноҳ қилмасликка, азм қилишдир"⁵³.

⁵² Абдуҳолиқ Гиждувоний. Маслак ал орнфин. -Б. 14

⁵³ Хўжаи Жаҳон - Хожа Абдуҳолиқ Гиждувоний. Т. : Садо. 1994. -Б. 26-27

Бунинг учун ҳар нафасни, яъни ҳар бир дақиқани эҳтиёт қилиш керак. Уни қайтариб бўлмайди. Ҳар бир ўтадиган куннинг қадрига етиш лозим. Фалсафада ва тасаввуфда вақт тушунчаси алоҳида ўзига хос мавзу ҳисобланади.

Мутасаввифлар айтишича, "Олами акбар"-буюк олам-бу руҳий оламдирки унинг ниҳояси йўқ, ўлчови тамомила бошқача бўлиб, осмоний-моддий оламдек муқаррарий фазо, макон ва вақтга боғлиқ эмас. Ҳозирги пайтда ўлчанадиган вақт киши ҳаёлининг ҳосиласи. Вақл-тўғрисидага-ҳозирги замон илм фан тўғрисида профессор М. Н. Болтаев муқаррарий вақт тушунчаси ҳам, зикр этилган тарзда ақлимизнинг ҳаёлий шакли сифатида юзага келиб, яшашимиз жараёнда юзага келадиган воқеа ҳодисаларни тартабга солиш учун ишатилади, дейди. Дарҳақиқат, мазкур пайтда ўтмиш ва келажаги бўлмаган муқаррарий вақт ҳам ҳаёлдир. Зероки, ўтмиш ва келажак ҳозирги пайт билан боғлиқ, ўтмиш ва келажак ҳозирги пайтдир.

Хўжаи Жаҳон Хўжа Абдухолиқ Ғиждувоний "Маслак ал орифин" асарининг "Дар таҳаллуқи би ахлоқ" яъни "Ахлоқни тузатиш ҳақида" номли ўн тўққизинчи бобида хуш хулқли бўлиш, ўзининг сифатларини ривожлантириб, илоҳий сифатлар билан сифатланиш каби масалалар ҳақида фикр юритади. Ғиждувоний бу борада қуйидагиларни баён этган: "Билгилки, ахлоқ билан хулқланиш деганда бу йўлдан бораётган банданинг мужоҳида ва риёзат билан ўзининг сифатларини етарли даражага етказган бўлса ва илоҳий сифатлар билан сифатланган бўлса, бу йўлнинг толиблари, тариқат асҳоблари ва тариқат арбобларидирлар.

Буюк сўфийнинг "Васиятнома", "Рисолаи тариқат", "Рисолаи хобия", "Одоби тариқат", "Мақсад ас соликин", "Маслак ал орифин" ва бошқа асарларида инсонни ҳар томонлама етукликка элтувчи пурмаъно фикрлар ўз аксини топгандир. "Васиятнома" асарининг ўзи тариқатда ахлоқ масаласига биринчи бадият берилишини

кўрсатади.

Одам ҳалол меҳнат билан яшаши, яъни ўз меҳнатини ўзи қилиши, ҳалол меҳнати эвазига яшаши лозимлиги барча асарларида таъкидланади, Шайх буюрадиларки: " Ўз ишингни ўз қўлинг билан қил"⁵⁴.

Бундан ташқари мўътабар шайхнинг вақтни ғанимат билиш, ундан унумли фойдаланишни, умр унга берилган сармоя ҳисобланиб, бу сармояни тўғри ҳарж қилиши, нотўғри ҳарж қилинган ҳар бир дақиқа уғирлатилган бойлик эканлиги, яъни умри давомида фақат яхшилик, эзгулик ишларини амалга ошириши, умрининг натижаси ҳам шундагина яхши бўлиши, яъни “нимани экса, шуни криши” каби пурмаъно, маънавий - ахлоқий ўғитлари мавжуд.

Абдуҳолиқ Ғиждувоний халқ манфаатлари йўлида хизмат қилишга чақиради . Агар одам бу ишга қодир бўлмаса, ўз юкини халқ устига ташламай, бирор касбни эгаллаб, ҳалол меҳнат билан кун кўриши керак: " Рашахот" муаллифи "Даст ба кору, дил ба Ёр", яъни "Қўл ишдаю, қалб Аллоҳда" шиорини биринчи марта Абдуҳолиқ Ғиждувоний айтганлигани исботлаган⁵⁵.

Ғиждувоний таълимотида маънавий ахлоқий кадриятлар, улуғ мутафаккирнинг қудсий калималарида ҳам ўз аксини топган. Хўжагон - нақшбандия тариқатининг пирларидан, нақшбандия тариқати таълимотини бир тазимга солган, тасаввуф таълимотининг назарий муаммолари бўйича тадқиқотлар ёзган мутафаккир Саййид Аҳмад ибн Мавлоно Жалолиддин Косоний Махдуми Аъзам ал Фарғоний (1463-1542Й) "Тўрт калима ҳақида рисола" асарида : "Хўжагон - нақшбандия тариқатининг биноси асослари қуйидага тўрт аркондан иборатдир. Булар: 1. Хуш дар дам; 2. Назар бар қадам; 3. Сафар дар ватан; 4. Хилват дар анжуман. Эй, толиб! Яна шуни ҳам билгинки, мазкур

⁵⁴ Абдуҳолиқ Ғиждувоний. Маслак ал-орифин. Б.176

⁵⁵ Рашоҳот. Б.307

калимаи шарифларнинг ҳар бири ҳам ибтидо, ҳам фустӣ, ҳам ниҳояти сифатига эгадир.

Мўътабар шайх Абдуҳолиқ Ғиждувонӣ шунинг учун "Даст ба кору, дил ба ёр" деб, инсонларни бунёдкорлик ва инсонийликка даъват этади. "Бу қўлингни ишга бағишла-ю, дилингни Тангрига бағишла" ибораси тариқат аҳли учун мажбурий бўлган бир қоидадир.

Қўл доимо ишда бўлиши, яъни бунёдкорликка, жамиятга хизмат қилишга, одамларнинг оғирини енгил қилишга, меҳнатсеварлик, унинг гуллаб яшнаши учун ҳаракат қилиш билан бирга, иймонли бўлишга-яъни тил ва дилнинг бир хил бўлиши, мусулмончилик фарзларини бекаму кўст бажариш, виждонлиликка даъват этилади.

Абдуҳолиқ Ғиждувонӣдан бошланган бу жараён-нақшбандия таълимотида ўзил-кесил ҳукм тусини олди. Бу тафаккур ривожига олдинга қараб босилган катта ижобий қаҳам эди.

Хўжаи Жаҳоннинг маънавий шогирди Баҳоуддин Нақшбанд, устози йўлидан бориб, хилват ва самоъни анжуманда суҳбат билан, бу янгиликни ўз тариқатининг пойдевори деб ҳисоблади.

Умуман Хўжагон тариқатига асос солган "Хилват дар анжуман" мукаддас маънавий қоида нақшбандийликдада ривожлантирилиб, мукаммаллаштирилади. Баҳоуддин Нақшбанд устозининг таълимотини давом эттириб, хилватдан кечаётган жамият манфаатларига фаол муносабатда бўлиш, эканлигини уқтиради. "Навоӣ ёзади: Нақшбанд "дер эмишларки, бизнинг тариқатимиз одатдир ва хилватда шуҳраттур ва шуҳратда офат"⁵⁶, Нима учун "хилватда шуҳрат?" чунки тарки дунё этиб, хилватда ўтириб, бутун умрини тоат-ибодатга бағишлаш-Аллоҳ ва одамлар олдида шуҳрат қозонишнинг, яъни тариқат қоралаган манфаатпарастликнинг бир туридир⁵⁷.

⁵⁶ Баҳоуддин Нақшбанд абадияти. Т.:1994.-Б. 65

⁵⁷ Баҳоуддин Нақшбанд абадияти. Т.:1994.-Б.69

ХУЛОСА

Мустақиллигамиз шарофати билан сўнгги йилларда Республикамизда ўтмиш ижодларининг ижодини ўрганиш, миллий кадриятларни тиклашга катта эътибор қаратилмоқда. Бу халқимизнинг ижтимоий - иқтисодий, тарихий, маданий ва илмий адабиётини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш учун қулай имкониятлар яратилганлигидандир. Шўролар даврида якка мафкура ҳокимлигининг ўта ҳушёрлиги оқибатида асарлари тадқиқ этилмаган ижодкорлар ҳаёти ва ижоди ўрганила бошланди. Айнан шундай шахслардан бири ўзидан қимматли маънавий мерос қолдирган, тасаввуф таълимоти ривожига самарали ҳисса қўшган мутасаввифлардан ватандошимиз Абдуҳолиқ Ғиждувонийдир.

2003 йилда Президентимиз ташаббуслари билан, Ғиждувон шаҳрида Абдуҳолиқ Ғиждувонийнинг 900 йиллик юбилейлари кенг миқёсда нишонланди. Ғиждувон шаҳридаги Хўжаи Жаҳон мақбаралари ҳамда унинг ёнида 1433 йилда Мирзо Улуғбек томонидан бунёд этилган Улуғбек мадрасаси ансамбли таъмирланиб янги ҳолатга келтирилди. Мирзо Улуғбекнинг Хўжа Абдуҳолиқ Ғиждувоний мақбаралари олдида мадраса курдириб, мақбараларини таъмирлаши ҳам бу шайхнинг ўша пайтдаёқ қанчалик шуҳрат қозонганлигидан дарак беради.

Маълумки, IX - XII асрлардан бошлаб исломнинг қонун - қоидаларига асосланган, ўта мураккаб диний фалсафа бўлмиш тасаввуф таълимоти ғоявий жиҳатдан шаклланди ҳамда Яқин ва Ўрта Шарқ ҳудудларига кенг ёйилди. Бу йўналиш диний исломий дунёқараш асосида фан, маданият ривожини имкониятини кенгайтириши билан уларнинг ютуқларидан фойдаланиш йўлларини ҳам бойитди. Тасаввуф зиёлилар орасида тез тарқалди ва аҳоли орасида муайян тасаввурларнинг туғилишига олиб келди.

Марказий Осиёда тасаввуфнинг кубровия, яссавия, хўжагон -

нақшбандия йуналишлари вужудга келди ва аҳолининг турли табақалари орасига кириб борди. Тасаввуф, хусусан, хўжагон вакиллари Марказий Осиёда Темур ва темурийлар, кейинроқ Ҳиндистондаги Бобурийлар давлатида катта эътибор қозонди. Тасаввуф тарихи, унинг турли ўлкаларда намоён бўлиши, мазмун - моҳияти, тамойиллари, шакл - шамойиллари, йўл - йўриқлари, фалсафа, адабиёт, маънавиятга бевосита таъсири каби масалаларга кўплаб тадқиқотлар бағишланган. Бизнинг ушбу тадқиқотимиз ҳам уларнинг давомидир.

Хўжагонлар тариқатининг, жумладан Абдуҳолиқ Ғиждувоний тасаввуфий қарашларининг асли моҳияти одамларнинг салбий сифатлардан қутилиб, маънавий - руҳий камолотга эришиш - ҳақиқий инсонийликни, илоҳий ҳақиқатни топишдан иборатдир.

Давлатимизнинг ижтимоий вазифаларида келажаги буюк давлатни соғлом мафқурали, маънавий баркамол авлод барпо эта олишини назарда тутиб, комил инсонни тарбиялаш борасидаги ишларни истиқболда ҳам давлат сиёсати даражасида кўчайтириб бориш ва умумхалқ ҳаракатига айлантириш муҳимдир.

Маънавий вазифаларда ота - боболаримиз динининг гуманистик моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш борасидаги ишларни давом этiriш лозим. Бу дин халқимизнинг минг йиллик тарихи, бугунги маънавий ҳаётимизнинг ҳам асосидир.

Шу маънода буюк мутасаввиф Абдуҳолиқ Ғиждувонийнинг "Қўлинг меҳнатда, дилинг Аллоҳда бўлсин" деган ҳикмати биз учун муҳим тамойил бўлиб қолади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.:2009й
2. К а р и м о в И.А. Маънавий юксалиш йўлида. Тарих, маърифат, маънавият, Тошкент, «Ўзбекистон», 1998й, 480 бет.
3. Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида.Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” Т.Ўзбекистон.1997й
4. Каримов И.А.Баркамол авлод орзуси Т.:2000й
5. К а р и м о в И.А. Янгича фикрлаш – давр талаби. Тошкент, Ўзбекистон, 1997й, 148 бет.
6. К а р и м о в И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. Тошкент, Ўзбекистон, 1996й, 248-бет.
7. К а р и м о в И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент, Ўзбекистон, 1998й, 98 бет.
8. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари.Т.:1995. Т. 3

Китоблар ва монографиялар:

1. Абдухолиқ Ғиждувоний. Васиятнома, Инв. №3844.
2. Хўжа Абдухолиқ Ғиждувоний. Васиятнома. Т.: Ғ. Ғулом ном. ад.ва санъат нашр. 1993. Б, 3-15.
3. Абдухолиқ Ғиждувоний. Маслак ал-орифин. Инв, №135
i. 1211/1897.

4. Абдухолик Гиждувоний. Мақсад ас-соликин. Инв. №2080
5. Абдухолик Гиждувоний. Одоби тариқат. //Хўжаи Жаҳон-Хожа Абдухолик Гиждувоний/ Нашрга тайёловчи таржимон ва изох муаллифлари Маҳмудхон Махдум Хасанхон ўғли, Гулбаҳор Музаффар кизи. –Т, Наврўз1994.
6. Абдухолик Гиждувоний. Васиятнома / РКП ИВ. УЧ ССР, ИНВ № 3544
7. Абдухолик Гиждувоний, Мақсад ас-соликин // . ФАШИ, Бухоро, Инв, № 2010;
8. Таниш Б. Абдуллонома,- Т.: 1966, -142 б;
9. А. Сафий. "Рашахот" - Б, 18-20
10. Иззат Султон. Баҳоуддин Накшбанд абадияти. Т. , "Фан"; 1994 - Б. 34.
11. Болтаев М. Н. Хўжа Абдухолик Гиждувоний -инсондўст ҳаким, рифъат шайх Бухоро - 1996 й
12. Тримингем. Суфийские ордены в исламе. М- , "Наука" 1989 С. 61
13. "Мақомоти Хожа Юсуф Хамадонийдан Хожеи Жаҳон-Хожа Абдухолик Гиждувоний китобида. М. Ҳасаний. Т. > Наврўз. 1994
14. Баҳоуддин Накшбанд абадияти. Т.:1994.-Б. 65
15. Хайруллаев М. М. Ўрта Осиёда илк уйғониш даври маданияти. -Т\: Фан, 1994. - 80 б.
16. Гуломхон Ғафуров. Шарқ жавоҳирлари / Бадиалар. Тошкент Маънавият. 2000. Б. 67-71

Диссертациялар ва авторефератлар

1. Сафарова Н. Хўжагон таълимотининг диний-тасаввуфий карашлари. Номзодлик диссертацияси автореферати. Т.:2006

Илмий мақолалар

1. Маънавият ва маърифат жамоатчилиқ маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигани ошириш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, 1996 йил 9 сентябрь. // Халқ сўзи.- 1996. - 10 сентябрь.
2. Ислон Каримов. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. Президент И. Каримовнинг “Туркнстон пресс” ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблари // Халқ сўзи, 1999 й. 16 март
3. Ҳаққул Иброҳим. Ақлли қул// Тафаккур - 1997 - № 1 - Б. 42-47
4. Ҳаққул Иброҳим. Руҳи хур, ирфони хур// Тафаккур-1997-2-Б.50-58.
5. Суфийлик нима ва суфийлар ким?/ Форсчадан Асом Маҳкам таржимаси. // Саодат -1992. -№10. -Б, 16;
6. Фитрат. Аҳмад Яссавий. //Санъат. - 1991- 8- Б. 21